



15
(1437)-son
15-may
2020

Хабар

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSSEN SEN

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

УШБУ СОНДА:

ЭХТИРОМ:

Эзгу қадриятлар —
ҳаёт зийнати **3-бет**

ШИЖОАТ

Аҳил жамоа аҳди **4-бет**

БУГУННИНГ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Навоий почтасида
қўшалоқ қувонч **5-бет**

ОПРОС

Изучено влияние пандемии
на бизнес и население **6-бет**

ҚАРОР ЛОЙИХАСИНИ ЎҚИБ...

Матбуот керак! Матбуотга
эътибор керак! **8-9-бетлар**

КАРАНТИНДА ТАРБИЯ

Баҳор биз билан, болажон!
10-бет

15 МАЙ — ХАЛҚАРО ОИЛА КУНИ

Оила муваффақият учун
мотивация **11-бет**

СИНОВ. БИРГА ЕНГАМИЗ!

Эл бошига иш тушса... **15-бет**

Президент:

БУ ИШЛАРНИ КЕЛГУСИ 2-3 ЙИЛДА ТЎЛИҚ АМАЛГА
ОШИРМАСАК, ҲАР БИР КЕЧИККАН ЙИЛИМИЗ
МАМЛАКАТИМИЗНИ 10 ЙИЛ ОРҚАГА ТОРТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 май куни рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.



Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий йил Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривож-
лантириш йили деб эълон қилинди. Президентимизнинг Олий Мажлисига шу йил январдаги Муро-
жаатномасида рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш келгуси беш йилдаги энг устувор вазифалардан бири
сифатида белгиланган эди.

Рақамли технологияларнинг нақадар муҳимлигини бугунги пандемия шароити ҳам яна бир бор исбот-
лади. Таълим, давлат хизматлари, давлат бошқаруви тизими, савдо ва хизмат кўрсатишнинг ҳаммаси
рақамли иқтисодиёт билан боғлиқлиги яққол кўриниб қолди. Йиллар давомида масофадан кўрсатилмаган
хизматлар саноқли кунларда онлайн шаклга ўтказилди.

2

КОРОНАВИРУС/COVID-19

(11.05.2020)

ЎЗБЕКИСТОНДА

Қайд этилган — 2620
Соғайганлар — 2136
Вафот этганлар — 11.

ЖАҲОНДА

Қайд этилган — 4,44 млн.
Соғайганлар — 1,7 млн.
Вафот этганлар — 300 минг.



ЭЪЗОЗ

ОНАЛАРГА АТАЛГАН МАТОНАТ МАДҲИЯСИ

Ўзбекистон бу йил 9 май — Хотира ва
Қадрлаш кунини ўзгача тарзда нишонлади.
Эл бошига иш тушган бугунги кунлар фо-
нида айтиш мумкинки, Иккинчи жаҳон уру-
шида қозонилган ғалабанинг 75 йиллигига
бағишланган тadbирлар юртдошларимиз-
ни тарихга бошқа бир нигоҳ билан қарашга
ундади. Аввало, давлатимиз раҳбарининг
ушбу тadbирдаги чиқишида икки муҳим жи-
ҳат эътиборимизни тортди.



3

2 ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ



Президент:

БУ ИШЛАРНИ КЕЛГУСИ 2-3 ЙИЛДА ТЎЛИҚ АМАЛГА ОШИРМАСАК, ҲАР БИР КЕЧИККАН ЙИЛИМИЗ МАМЛАКАТИМИЗНИ 10 ЙИЛ ОРҚАГА ТОРТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 май куни рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 7 май куни Андижон, Навоий ҳамда Сурхондарё вилоятлари туман ва шаҳарларининг иқтисодий салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Йиғилиш аввалида давлатимиз раҳбари коронавирус пандемиясига қарши кураш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари 9 май куни Хотира ва Қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан пойтахтимизда барпо этилган Ғалаба боғига таширф буюрди. Президентимиз дастлаб "Матонат мадҳияси" ёдгорлик мажмуасига гулчамбар қўйди ҳамда бу ердаги Шон-шаф музейини кўздан кечирди. Ғалаба боғидаги амфитеатрда 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Маросимда Президент Шавкат Мирзиёев Хотира ва Қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги билан барча фахрийларни, бутун халқимизни табрикларди.

Президент Шавкат Мирзиёев 9 май куни Тошкент шаҳри Чилонзор туманида барпо этилган Иккинчи перинатал марказни бориб кўрди. Перинатал марказда илгор клиникалар тажрибаси асосида энг замонавий қулайликлар яратилган. Бу ерда бу вақтнинг ўзига 140 нафар беморни даволаш мумкин. Президентимиз тиббиёт марказида яратилган шароитлар билан танишди. Askdoctor.uz онлайн поликлиника дастури орқали шифокорлар билан мулоқот қилди.

2020 йил 11 май куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг туртинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ушбу ялпи мажлиснинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбаева олиб борди. Сенат аъзолари томонидан мажлисда 20та масала, шу жумладан, 10та қонун кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида мамлакатимизда карантин талабларини ҳушёрликни оширган ҳолда янада юмшатиш, иқтисодиёт тармоқларини босқичма-босқич ишлатиш, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш чора-тадбирлари юзасидан 13 май куни видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган "Республика ҳудудларини қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор ҳамда "2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги фармон эълон қилинди.



1
Йиғилишда ахборотларни қайта ишлайдиган марказларни қўпайтириш, хорижий кредитлар жалб этиб, лойиҳа қиймати 30 миллион долларлик "дата центр" қуриш бўйича кўрсатмалар берилди.

Экспертларнинг фикрича, келгуси уч йилда иқтисодиётни рақамлаштириш орқали дунёдаги 22 фоиз иш уринлари интернет технологиялари ёрдамида яратилди.

Шу боис жорий йил 28 апрелда "Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумати кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида" Президент қарори қабул қилинди. Ҳужжатга мувофиқ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида рақамли иқтисодиёт билан шуғулланадиган ахлит тизим яратилди. Жумладан, "Электрон ҳукумат", иқтисодиёт тармоқлари ва қишлоқ ҳўжалигини рақамлаштириш, IT-Паркларни ташкил этиш ва бошқариш каби вазифалар тўлиқ вазирлик ваколатига ўтди.

Шу билан бирга, қарорда янги лойиҳаларни молиявий манбалари ҳам аниқ кўрсатилган. "Электрон ҳукумат" доирасида 1,3 триллион сўмлик 104та лойиҳа, иқтисодиётнинг реал секторидида 5,3 триллион сўмлик 87та лойиҳа, телекоммуникациялар борасида 15,1 триллион сўмлик 35та, аграр соҳада 24та, IT-Парклар бўйича 18та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган.

Йиғилишда Шавкат Мирзиёев "Бу ишларни келгуси 2-3 йилда тўлиқ амалга оширмасак, ҳар бир кечиккан йилимиз мамлакатимизни 10 йил орқага тортади", дея таъкидлади.

Хизматларни рақамлаштириш борасидаги ҳозирги аҳвол таҳлил қилинди. Қайд этилганидек, давлат идораларида мавжуд 700дан ортиқ ахборот тизимларининг атиги 30 фоизи "Электрон ҳукумат" тизимига уланган. Давлат хизмати кўрсатувчи 80та идоранинг атиги 27таси Давлат хизматлари агентлигига интеграция қилинган.

Президентимиз вазирлик ва идораларда ахборот технологияларини қўлаш даражасига қараб

ундаги раҳбарларнинг ойлик мукофот пулини ошириш ёки камайитириш тизимини йўлга қўйиш бўйича топшириқ берди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига давлат идоралари маълумотлар базасини таснифлаб, уларни идоралараро интеграцион платформага улаш, электрон ҳамкорликнинг ягона технологик талабларини жорий қилиш вазифаси қўйилди.

Пандемия таъсирини инобатга олиб, энг зарур бўлган давлат хизматларини тезкор равишда электрон шаклга ўтказиш муҳимлиги таъкидланди.

Тошкент шаҳрида электрон тиббиёт картаси, электрон шифохона ҳамда шошилинч тиббиёт ёрдам тизимларини жорий этиш, ижтимоий нафақалар ҳисобини юритишга мўлжалланган "Ижтимоий ҳимоя ягона рестри"ни жорий йил якунига қадар ишга тушириш бўйича топшириқ берилди.

Давлат солиқ қўмитасига савдо ва хизмат кўрсатиш объектидаги онлайн назорат касса машиналарига ўтказиш, алкоғол ва тамаки маҳсулотларини маркировкалаш ҳамда электрон ҳисоб-фактура тизимини жорий этиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Келгуси беш йилда саноат корхоналарида ахборот технологияларини кенг жорий этиш ҳисобига таннархни ўртача 13-15 фоизга пайсатириш мумкин.

Транспорт вазирлигига темир йўللарда юк ташиш ҳамда Тошкент шаҳрида жамоат транспорти хизматлари тўлови учун автоматлашган тизимларни ишга тушириш, барча транспортларга ягона электрон билет жорий этишни тезлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда ахборот технологиялари инфратузилмасини ривожлантириш масаласига алоҳи-

да эътибор қаратилди.

Жаҳон банки ҳисоботига кўра, кенг полосали интернет тармоғини 10 фоиз кенгайтириш эвазига ялпи ички маҳсулотни камида 1 фоиз ўстириш мумкин.

Жорий йилда оптик толали алоқа қамровини мактабгача таълим тизимида 41 фоиздан 100 фоизга, халқ таълимида 40 фоиздан 70 фоизга, соғлиқни сақлаш соҳасида 38 фоиздан 100 фоизга етказиш вазифаси белгиланган. Бу орқали қўплай қишлоқларга интернет тармоғи етиб боради.

Шу боис Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига ижтимоий объектларни юқори тезликдаги интернет билан таъминлаш, тезкор мобил интернет қамровини йил якунигача 90 фоизга етказиш вазифаси қўйилди.

Бугунги кунда мавжуд серверлар тўлиб бораётгани, соҳадаги 300дан ортиқ лойиҳани амалга ошириш учун 10 баробар кўп қувватли серверлар зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Йиғилишда ахборотларни қайта ишлайдиган марказларни қўпайтириш, хорижий кредитлар жалб этиб, лойиҳа қиймати 30 миллион долларлик "дата центр" қуриш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ахборот технологиялари қишлоқ ҳўжалиги, ерни ҳисобга олиш ва мониторинг қилишида ҳам жуда кўп келиди. Масалан, ерни ҳисоб қондлаш орқали экин майдонлари, вегетация жараёни, ернинг мелiorатив ҳолати ва минераллашув микдорини ўрганиш мумкин. Бу агротехник тадбирларни аниқ белгилаб, ҳосилдорлиқни 25-30 фоизгача ошириш имконини беради.

Мутасаддиларга ер майдони ва сув ҳисобини юритишнинг электрон тизимларини ишлаб чиқиш, қишлоқ ҳўжалигида экинларни жойлаштиришдан тортиб, сотувгача бўлган жараёнларни тўлиқ рақамлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Юртимизда ахборот технологиялари соҳасида 60 минг киши меҳнат қилмоқда. Йиғилишда бу етарли эмаслиги таъкидланиб, соҳа мутахассисларини қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Давлат ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган лойиҳаларга энг аввало маҳаллий технокорлар резидентларини жалб қилиш бўйича вазифалар белгиланди.

Келгуси ўн йилда "1 миллион дастурчи" лойиҳасига 47 минг нафар ўқувчини қамраб олиш, соҳага замин яратиш учун мактабларда 7-синфдан бошлаб дастурлаш асосларини ўқитишни йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда мутасаддилар соҳадаги чора-тадбирлар ижроси юзасидан ҳисобот берди.

ОНАЛАРГА АТАЛГАН МАТОНАТ МАДҲИЯСИ



Биринчиси, ўзбекистонликларнинг бу машъум урушда иштироки билан боғлиқ рақамларга аниқликлар киритилди. Яъни, олдин урушда Ўзбекистондан 1 миллион 500 мингга яқин киши иштирок этган, деб қайд этиларди. Президент топшириғига кўра, ўрганишлар олиб борилиб, 1 миллион 951 мингга яқин киши урушда қатнашгани маълум бўлди. Ваҳоланки, ўша пайтда Ўзбекистон аҳолиси 6 миллион 551 минг кишини ташкил этган.

Тақдирасан, ҳар уч нафар ўзбекистонликдан биттаси урушда қатнашган ва бу рақамлар фашизм устидан қозонилган ғалабада юртдошларимизнинг ҳиссаси катта эканлигини кўрсатади. Рақамларга мурожа-

ат этишда давом этамиз, ўша даврда “қулоқ” сифатида бошқа ўлкаларга сургун қилинган 59 мингдан ортиқ ватандошимиз ҳам фронтга сафарбар этилган, илгари 396 минг нафар Ўзбекистон фуқароси урушда ҳалок бўлган, деб айтилган, аммо ўрганишларда 538 мингдан зиёд юртдошимиз ўша даҳшатли қирғинбаротларда ҳалок бўлгани, 158 мингдан кўпроқ ватандошларимиз урушда бедарак кетгани аниқланди. 120 минг нафар ҳамюртимиз жанговар ордени ва медаллар билан мукофотланган, деб келинарди, аслида ушбу мукофотлар 200 мингдан зиёд юртдошларимизга берилган экан. Шу пайтгача қайд этилганидек, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари 280 нафар эмас, 301 нафарни ташкил қиларкан. Бу рақамлар таҳлили одамни ўйлантириб қўяди: совет тузumi тарғиботчилари урушда

қозонилган ғалабада бошқа миллат вакилларининг ҳиссасини атайин кам кўрсатишганмикан?..

Иккинчи эътиборимизни тортган жиҳат шуки, шу пайтгача юртимизда Иккинчи жаҳон урушига атаб ягона мажмуа яратилмаган. Жорий йил 9 май куни пойтахатимизда ўзига хос мажмуа очилди. Энди юртдошларимиз Ғалаба боғи, “Шон-шараф” музейи, “Мангу жасорат”, “Матонат мадҳияси” монументларини томоша қилишлари мумкин. Ҳаммамизга яхши маълумки, мамлакатимизда оналарга атаб Мотамсаро она ва Бахтиёр она ҳайкаллари бунёд этилган. Бу ҳайкаллар ўзида ўзбек оналарининг умумий қиёфасини акс эттирган бўлса-да, тарихий шахс тирмолига эга эмас эди. Ғалаба боғида ўрнатилган “Матонат мадҳияси” монументида Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида яшаб


ўтган Зулфия Зокирова ва унинг муҳаббатда вафоли, садоқатли келинлари тимсоли маҳорат билан акс эттирилди. Зулфия ая ва унинг урушга кетиб қайтмаган беш нафар ўғлони — Исоқжон, Аҳмаджон, Маҳмаджон, Ваҳобжон, Юсуфжон ҳамда тўрт нафар келини ҳаётига атаб ишланган қаҳрамонлик қасидаси — “Илҳақ” бадий филмининг байрам куни намойиш этилиши ҳам юртдошларимиз учун ажойиб сова бўлди.

Президентимиз ўз нутқида уруш қатнашчиларининг қаҳрамонликлари ҳали тўлиқ очилмагани, бу борадаги изланишлар давом эттирилиши, янги ма-

лумотлар билан Ғалаба боғидаги “Шон-шараф” музейи доимий равишда бойитиб борилишини, янги тарихий маълумотлар асосида ҳар йили 9 май байрами арафасида алоҳида китоб тайёрлаб, нашр этиш зарурлигини тарихчи олимларимиз, тадқиқотчилар олдида вазифа қилиб қўйди. Энди гап тарихчи олимларимиз, тарихий ҳақиқатни тиклашга интилувчи изланувчиларда қолди.

Албатта, тарих ҳолис, бор бўй-басти билан ёзилиши керак. Шундагина тарихий адолат барқарор бўлади.

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ



ЭҲТИРОМ



ЭЗГУ ҚАДРИЯТЛАР — ҲАЁТ ЗИЙНАТИ

“Ўзбектелеком” АК Фарғона филиалида инсон қадр-қимматини улуғлаш борасида хайрли ишлар давом этмоқда. Меҳнатда тобланган, ҳалол ризқ-рўз топиб келган, эндиликда фахрийлар қаторидан ўрин олиб, неварачевараларидан айланиб-ўргилиб ўтирган устозларни йўқлаб бориш, кўнгилларни обод айлаш ана шу хайрли ишларга ёрқин мисол бўла олади. Филиал раҳбарияти ҳамда касба уюшмаси кўмитаси 7 май — Алоқачилар куни муносабати билан 50 нафар фахрий ҳамда 50 нафар кўп болали ишчи-ҳодимларни совғалар билан йўқлади.

Филиал директори Владимир Ежков, касба уюшмаси кўмитаси раиси Муроджон Азамов ва бўлим бошлиғи Валижон Курбоновлар билан беш нафар фахрий дуосини олиб қайтди. Моҳир кранчилик билан довруғ қозонган, вилоят алоқачилари орасида “Вали кран” деб ном олган чимёнлик фахрий Валижон ака Тошматов хонадонига борганимизда, у бизни шодлиниб қарши олди. Ўн дақиқалик учрашув пайтида унинг ажабтовур феъли, очик-

кўнгил, очикчехраллиги билан боғлиқ ёқимли хотиралар эсга олинди. Отаҳон филиалдаги янгилликлар, ютуқлар, шогирдлар устозлар ҳаёти ва фаолияти билан қизиқди. Хайр-хўшлалар-канмиз “Сизларга қараб, кўз кувонади, дил яйрайди. Яна сафларингга қайтгиси келади одамнинг, — дея дуога қўл очди. — Ҳўб меҳнат қиладиган замонлар келди. Ишлаб чарчаманглар. Касбу корларингга, умрларингга барака берсин”.

Чимёнлик Кўчқор ака Раҳи-

мовнинг ҳам дуоларига дохил бўлди. У киши узоқ йиллар филиалда ҳайдовчи бўлиб ишлаган. Ҳайдовчилар меҳнати кўнда назарга илинавермаслиги бор гап. Кун бўйи, тун бўйи рул бошқаради. Кўзлари толса-да, вужуди ҳордиқ истаса-да йўлда давом этаверади. Кўча тасодифларга тўла. Нимасини айтасиз, рулда ўтирган соғ бор, носоғ бор. Шундай нозик вазиятлар бўлади, ҳаётини хавфга хатарга қолдириб бўлса-да ўз ишини ёруғ юз билан бажаради ва эва-

зига ҳеч нарса тиламайди. “Бу — менинг ишим, вазифам” деб қўяқолади қисқа қилиб. Кўчқор акамиз ана шундай абжир ҳайдовчилардан бўлган. Устоз ҳайдовчи қараб кексаликнинг ҳам ўзига хос кўрники кўрдик. Хайрлашарканмиз “Ифтор қилиб кетинглар, ўтиринглар, мириқиб сўхбатлар қурайлик”, деганча қолди. Кўчқор аканинг ҳузур-ҳаловат ичра осуда ҳаёт кечираётгани аён сезилиб турганидан ҳам кўнгилларимиз анча хотиржам тортди.

Кейинги сафаримиз вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига бўлди. Бу шифохонада фахриймиз Комилахон Мамажонов даволанишда экан. Унинг кўвонч ёшларини кўриш ҳам кўнгилли, ҳам айни вақтда огриқли эди. “Кўп йиллар соҳада ишлаганимдан, ривожига камтарингина ҳиссамни қўшолганимдан жуда-ям фахрланаман. Келганингиздан бошим осмонларга етди. Раҳмат!” — деди хайрлашарканмиз. Беморнинг ахволдан хабар олганлик савобига эришган бўлсак не ажаб, деб умидландик.

“Телекомнинг шоири” — Ҳусанбой ака Абдурахимов яқиндагина филиалдаги шундай савобли ишларга бош-қош бўлиб юрарди. Бугун унинг ўзи ҳам фахрийлик гаштини сурмоқда. Мана, уни ҳам йўқлаб келдик. Қайтар дунё, деб шунга айтсалар керак. Илҳом келяптими, деймиз ҳазилоифа қилиб, у бўлса: “Ана, илҳом, ана шеър!” деб усти ёпилаётган иморатга ишора қилди. Қулаемиз. “Ажойиб шеър бўлибди. Буюриб насиб қилсин! Уй қуришга берилиб, шеърятини унутиб қўйманг!” деймиз.

Фахрий Муножотхон Алимова бизларни кўриб боши осмонларга етди. Беадад шукр, шундай ардоқли кунларга етганимга минг қатла шукр, дея бизлар-

ни алқай кетди. “Босган ҳар бир қадамнингизга ҳасанотлар ёзилсин, кам бўлманглар. Зиёда қилсин...” Муножотхон ниҳоятда илмлилиги, маданияти, маънавияти билан ҳурмат қозонган. У Тошкент электротехника алоқа институтида таҳсил олган биринчи ўзбек қизи бўлиб, техника билан бемалол тиллаша олишини исботлаган эди. Ҳа, инсон хизматлари, хайрли ташаббуслари унутилмайди.

Соҳада техникликдан бошлаб узоқ йиллар раҳбарлик лавозимларида ишлаган, “соҳанинг тирик энциклопедияси” ҳисобланувчи Фарғона шахрилик кекса алоқачилардан бири Сотволди ота Каримовни ҳам бориб кўрдик. Саксонинчи баҳорни қарши олган ҳожи ота энг фазилатли амал — Қуръон тиловатиди экан. Соҳа тарихи ва айни кунлардаги тараққиёт шиддатидан сўзлашдик. Мароқли сўхбатдан узилганимиз келмаса ҳам вақтимиз зиклигини айтиб узр сўрадик. Алоқа тарихи ҳақида китоб ёзмоқни режалаштирганлар бўлса, менга учрасин. Менда маълумотлар ниҳоятда кўп, деди, сўнг узундан узоқ дуо қилди: Яхшиликларингизнинг ажру мукофотларини берсин, ёмонликларнинг барчасидан сақласин. Сизларни яхшиликлар билан суюнтурувчи ва суюнувчилардан қилсин...

Филиал раҳбарияти ва касба уюшмаси кўмитаси вакиллари 50 нафар фахрийларнинг хонадонларига ажиб ёниқлик, нурафшонлик, туганмас хурсандчиликлар олиб кирган ва уларни қадрли саъй-ҳаракатларга муваффақ этган бўлсин.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
“Хабар”нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

Суратда: меҳнат фахрийси Сотволди КАРИМОВ (ўртада).

4 ШИЖОАТ

АҲИЛ ЖАМОА АҲДИ

Шу синови кунларда “�збектелеком” АК Фаргона филиали ва телекоммуникациялар боғламалари жамоалари ҳам жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Бинобарин, масофадан туриб ишлаш, билим олиш учун ва ота-оналари, фарзандлари, яқинлари аҳволидан ва, қолаверса, жаҳон ахборот оламиндан бохабар бўлиш учун сифатли телекоммуникация хизматлари бугун сув ва ҳаводек зарур. Иш карантин даври талабларига қатъий риоя этилган ҳолда қизгин олиб борилмоқда. Боғламалар антисептика, дезинфекция воситалари билан тўлиқ таъминланган.



● **Суратда:** Ойбек Матхолиқов устози — Фурқат ТБ бошлиғи, яқинда “Ўзбектелеком” АК Фахрий ёрлиғига сазовор бўлган Фуломжон Турсунов билан.

2019 йилнинг якуни ва 2020 йилнинг дастлабки уч ойи натижалари бўйича юқори кўрсаткичларга эришган Учқўприк тумани телекоммуникациялар боғламаси жамоаси меҳнатлари ҳам тахсинларга муносиб. Хўш, ушбу жамоа муваффақиятларга қандай эришди? Сир-синоати нимада?

– Жамоа жипслигида, раҳбарлик санъатида гап кўп, – дейди филиал директори Владимир Ежков. – Шу йил бошида Учқўприк тумани ҳокими Акмалжон Маҳмудалиев кўнгирок қилиб, туман ТБ бошлиғи Ойбек Матхолиқов олиб бораётган ишлардан мам-

нунигини билдирди: “Қисқа муддатда Матхолиқов тузуккина раҳбарлик салоҳияти борлигини намоян этди. Ажойиб кадр тайёрлаганингиз учун сизга катта раҳмат!” деб таъкидлади. Турган гапки, бу эътирофни эшитиш раҳбар сифатида менга мойдек ёқди бироқ, Ойбекжонни мен эмас, устози – Бувайда тумани ТБ бошлиғи Курбонали Мирзақосимов тайёрлади, дедим. Чиндан ҳам ҳоким мақтаганича бор. Ойбек бошлаган ишни охирига етказмай қўймаслигини, сўзининг устидан чиқишини ярим йилга қолмай исботлаб қўйди. У

ҳар дақиқани қадрлайди, вақтининг сарҳисобини, йўқолган вақт олтиндан қимматлигини чуқур ҳис этади. Дадил-дадил тақлифлар билан чиқади. Шундай шогирд этиштиргани учун биз ҳам Курбонали акадан ҳар қанча миннатдор бўлсак арзийди.

...Ойбек Бувайда туманидаги Бостонбува қишлоғида туғилган. Ота-онаси шифокор Абдурашид-жон ва Дилшода опалар унинг ҳам олий маълумотли тиббиёт ходими бўлишини орзулашганди. Лекин Ойбек жадал ривожланган ахборот технологиялари соҳасини танлади. ТАТУ Фаргона филиалида таҳсил олиб, 2011 йилда Бувайда тумани ТБда оператор, етакчи мутахассис, бўлим бошлиғи вазифаларида ишлади. Ширингина оила қурди. Турмуш ўртоғи, инглиз тили ўқитувчиси Гулмирахон билан икки фарзандни тарбиялашпти. Бир сўз билан айтганда, Ойбек ишда ҳам, оилада ҳам бахти бекам йигит. Ҳар куни ота-онанинг “Бошлиқларни ҳам, ҳамкасбларни ҳам ҳурмат қил, сидқидил ишла, асло кам бўлмайсан, завол кўрмайсан” дея қилган дуоларини олиб, чиндан ҳам жамиятда ўрин топди. Кадр-қиммати ошиб борди.

Ўтган йилнинг апрел ойида Учқўприк тумани телекоммуникациялар боғламасини бошқаришни унга ишонилгани ҳам шундан. Обдон ўйлаб кўргач, ишни кадрларни жой-жойига қўйишдан, мухитни соғломлаштиришдан бошлади. Жамоанинг ҳар бир аъзосининг кўнглига йўл топди. Бу йўриғи айти мундоо бўлган экан. Ишлар аста-аста жонлана бошлади. Кўплаб ҳарақатлари, жумладан, “Кўқон” эркин иқтисодий зонасида ишлари ҳокимлик томонидан бир неча маротаба эътироф этилди. “Долина грант шифер”,

“Имкопласт”, “Наманган евро қурилиш дизайн”, “Шаффоф омадли санаят Кўқон гипс” масъуляти чекланган жамиятлари каби қатор корхоналарга оптик толали кабел тортилди. GPON технологияси жорий этилишининг самаралари кўп куттирмади. Сифат ва тезлик ошиб бораётгани аён бўлди. Айти кунда интернетга улашишга талаб ортиб кетди.

Дарҳақиқат, бир ёқадан бош чиқариб ишлашда ҳикмат кўп экан. 2020 йил таҳсинга сазовор ёруғ юз билан қарши олинганга ҳам сабаб шу – узро аҳиллик! Барча режалар ортиги билан адо этилди. Жамоа боғламалар орасида юқори ўринни эгаллади. Шу йилнинг ўтган уч ойи кўрсаткичлари ҳам чакки эмас. Интернетга улаш бўйича режа январ ойида 119 фоиз, февралда 146 фоизга адо этилиб, март ойи режаси ҳам 115 фоиздан ошди. Тушум режалари борасидаги ютуқлар ҳам тилга оларли – ўртача 110-112 фоизни ташкил этмоқда. Шубҳасиз, бу меҳнат зафарларига офис менежери Ҳамиджон Эгамназаров, ҳисобчи Муҳсинжон Маҳмудов, айти кунда Гумбаз қишлоғига кабел тортаётган фидокорлар Сарварбек Ҳўжамназаров, Расулжон Маърупов, Иқболжон Имомалиев, Жўрақўзи Насриддиновларнинг қўшган ҳиссалари беқиёс. Шу ўринда тижорат агентлари Одилжон Курбонаев ҳамда Адолатхон Йўлдошевларнинг ҳам кўл қовуштириб ўтиришмай, масофадан туриб ишлаётганлари тасаннолар айтишга лойик.

Ҳа, Ойбек Матхолиқов энг ёш раҳбарлардан. Ўттиз ёшдан энди хатлаган. Бироқ салмоқли натижалари филиал боғламалари раҳбарлигига намуна бўлмоқда. Афтидан Ойбек устози Курбонали Мирзақосимовнинг “Шогирдларим, пастга кетиб мени қаритманглр, юқорилаб бориб, мени яшартиринглр”, деган ўғитини қулоғига қуёб олган кўринади.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
“Хабар”нинг Фаргона
вилоятидаги мухбири


ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР

“АҚЛЛИ НИҚОБ” ДАСТУРЧИЛАРИ COVID-19 CHALLENGE 2020 ҲОЛИБИ БЎЛДИ

Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети талабалари Достон Мардиев ва Азиза Абдурахмонова ўзлари яратган “Ақлли ниқоб” дастурини Covid-19 Challenge 2020 пандемия оқибатларини юмшатиш учун инновацион воситалар ва ечимларни топиш танловига тақдим этишди ва финал босқичида голибликни қўлга киритдилар.

Инқирозга қарши қаратилган танловда 600дан ортиқ аризачилар Соғлиқни сақлаш, Аҳолининг муҳтож қатламига кўмаклашиш, Кичик бизнес ва бандликни қўллаб-қувватлаш, Таълим, Бўш вақт ва бошқа шу каби йўналишлар бўйича қатнашдилар. Танлов натижаларига кўра ташкилотчилар ҳар бир йўналиш бўйича учта энг яхши иштирокчилари танлаб олинди.

“Ақлли ниқоб” – бу ҳарорат, йўтал, нафас олиш қийинлашуви ва қондаги кислород миқдорини текширувчи ниқоб. Олинган маълумотлар махсус алгоритм ёрдамида Covid-19 ва бошқа юқумли касалликларнинг аломатлари билан таққосланади ва тахминий ташхис қўйилади.



МАКТАБ ЎҚУВЧИСИ ANTICOID-19 ҚУРИЛМАСИНИ КАШФ ЭТДИ

Навоий шаҳридаги 4-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Суҳроб Ҳайдаров томонидан яратилган AntiCOVID-19 Uzbekistan ускунасининг бир неча нусхалари синов учун Навоий вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига топширилган.

– Мени Туркия ва Жанубий Кореядаги дўстларим қўллаб-қувватлади, – дейди С.Ҳайдаров. – Хусусан, туркиялик талаба Ниязик Башимова iOS тизими учун дастур ёзди ва Ли Чан Гонг ва Ким Чи Хва AntiCOVID-19 Uzbekistan ускуналарини ишлаб чиқариш бўйича маслаҳат берди. Ускунанинг ишлаш усули жуда осон, шунчаки қурилмадан яқинроқ келиб пешонангизни тутинг. Натижада масофадан ўлчаш қурилмаси сизда инфекция ҳарорат бор ёки йўқлигини аниқлаб беради. Қурилма ичига инсон танасининг ҳароратини ўлчайдиган махсус сенсор – лазер тезлиги ўрнатилган.

Бундан ташқари, ҳар ким ўз телефонида ўрнатиши мумкин бўлган iOS ва Android тизимлари учун дастур яратилди. Қўшимча дастурлар ҳам бир хил асосда ишлайди. Одамлар гавжум бўлган жойларда қурилма COVID-19 ҳолатлари бор ёки йўқлигини аниқлашга ёрдам беради.



НАВОИЙ ПОЧТАСИДА ҚЎШАЛОҚ ҚУВОНЧ

Ҳар гал шонли саналарда, касб байрамларида Ватанга фидойилар, соҳанинг жонкуярлари эъзозланади, тақдирланади. Бу хайрли анъана Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида ҳам бор. Алоқа ходимларининг касб байрами арафасида ана шундай бир гуруҳ соҳа фидойиларига эҳтиром кўрсатилди.

– Тақдирланганлар орасида “Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамияти Навоий филиалининг бир йўла икки ходими борлиги биз учун қўшалок байрам бўлди, – дейди филиал директори Шавкат Усмонов. – Улардан бири “Ўз касбининг устаси” белгисига сазовор бўлган филиалимизнинг Зарафшон туманлараро почта алоқаси тармоғи “Томди” алоқа бўлими 3-даражали почтачиси Казим Сейдалиев, иккинчиси эса вазирлиқнинг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган Бешрабат туманлараро почта алоқаси тармоғи “Янгиғазган” алоқа бўлими бошлиғи Уразали Аманбаевдир.

Бугуннинг қаҳрамонлари чиндан ҳам эътиборга лойиқ. Қизилқумнинг бепоён кенгликларига овулма-овул юриб, салкам 30 йилдан буён почтачилик қилаётган Казим Сейдалиев ҳақиқатан ҳам ўз касбининг устаси.

У кўп йиллик ҳалол меҳнати, иш тажрибаси билан юзлаб фуқаролар, почта мижозлари, касбдошлари, маҳалла аҳли ўртасида ҳурмат қозонган. Корхонада почта хизмати бўйича меъёрий ҳужжатлар, янги технологиялар асосида ишни ташкил этиш, корхона истиқболини ривожлантириш юзасидан соҳада кўшимча хизмат тури сифатида аҳолини газета ва журналларга обуна қилиш, аҳолидан коммунал тўловларни йиғиш бўйича ҳам тажрибага эга бўлиб, белгиланган режаларни удаланишда му-

носиб ҳисса қўшиб келмоқда.

“Томди” алоқа бўлимида уч нафар почтачи меҳнат қилиб, Казим Сейдалиев худуддаги “Янги Томди” овули, иккита мактаб, иккита мактабга таълим муассасаси ва иккита шифохона, шунингдек, 400та хонадонда яшовчи 3692 нафар аҳолига почта алоқаси хизматлари кўрсатади.

Кейинги уч йилда 59,3 миллион сўмлик почта алоқаси хизматлари кўрсатилиб, режалар ўртача 102,1 фоизга бажарилган. Аҳолига қўлайликлар яратиш мақсадида коммунал хизмат тўловларини қабул қилиш натижасида ҳар йили 25,3 миллион сўм маблағ давлатга топширилади.

Вилоят марказидан қанчалик олисда жойлашган бўлишига қарамасдан, тармоқ “Ўзбекэнерго” давлат акциядорлик компаниясининг “Биллинг” тизимига уланган. “Электрон пул ўтказмалари”, “Мунис” тизими ва молиявий тўловлар бўйича операцияларни пластик карточкалар орқали қабул қилиш йўлга қўйилган.

Ўз касбининг устаси К.Сейдалиев ўзининг фидокорона хизматлари билан Зарафшон туманлараро почта алоқаси тармоғининг иқтисодий ҳолати яхшиланишига ҳисса қўшмоқда. Ишдаги ижобий кўрсаткичлари ва самарали меҳнати учун туман, вилоят ҳокимлиги ва филиалнинг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

Иккинчи қаҳрамонимиз Бешрабат туманлараро почта алоқа-



Казим СЕЙДАЛИЕВ



Уразали АМАНБАЕВ

си тармоғи “Янгиғазган” алоқа бўлими бошлиғи Уразали Аманбаев ҳам мазкур соҳанинг қаттиқ нонини минг бора шуқур қилиб еб келаётганлардан. Салкам қирқ йиллик меҳнат фаолиятининг 31 йилини почта соҳасига бағишлаган бу инсон касбидан барака топганлардан.

Бўлим томонидан худуддаги “Янгиғазган” ва “Саржал” овул фуқаролар йиғинларига, саккизта аҳоли маскани ва тўққизта умумтаълим мактаби, иккита болалар боғчаси, иккита қишлоқ врачлик маскани, шунингдек, 1500 хонадонда яшовчи 4600 нафар аҳолига почта алоқаси хизматлари кўрсатилади.

2020 йилнинг январь-феврал ойларида 23,9 миллион сўмлик почта алоқаси хизматлари кўрсатилиб, режалар ўртача 100 фоиздан ортигига бажарилган. Аҳолига қўлайликлар яратиш мақсадида коммунал хизмат тўловларини қабул қилиш натижасида ҳар йили 126,5 миллион сўм маблағ давлатга топширилади.

Алоқа бўлимида 2019 йилда 3356 дона хат-хабарлар, 187 дона электрон пул ўтказмаси, 66 дона жўнатма ва бандероллар қабул қилинган бўлса, 2020 йилнинг январь-феврал ойларида 621 дона хат-хабарлар, 354 дона пул ўтказ-

маси, 21 дона жўнатма ва бандероллар қабул қилинишига эришилиб, режалар бажарилган.

Уразали Аманбаев ҳамisha одамлар хизматида. Корхона, ташкилотлар бўладими, маҳаллаларда бўладими, қаерда бўлишдан, кимга хизмат қилишдан қатъи назар сидқидилдан, муомала маданиятига эътибор бериб, кексао ёшнинг кўнглини топишга ҳаракат қилади. Касбига садоқатини, ҳурмат қилишини ўз иши, ўз муносабати билан намойиш этади. Шунингдек, тажрибали алоқа ходими сифатида ёшларга ўрнак бўлиб, “устоз-шогирд” анъанаси асосида касб-хунар коллежи битирувчиларига ўз тажриба ва билимларини ўргатиб келмоқда. Қаҳрамонимиз нафақат жамоада, балки овулда ва оилда ҳам ўзига муносиб қадр-қиматга эга бўлган ҳурматли инсон.

Казим Сейдалиев ва Уразали Аманбаев каби ўз касбининг фидойиларига ҳамиша юртимизнинг, элимизнинг эътиборида бўлиш насиб этсин, деймиз. Зеро, ҳар бир инсон учун бу чексиз бахт ва саодатдир.

Маруза ҲОСИЛОВА,
“Xabar”нинг Навоий
вилоятидаги мухбири

ЭҲТИРОМ

ЭЛ МЕҲРИ АСРАСИН

“Бугун озод юртда тўқин-сочин ҳаёт кечираётган ҳар бир фуқаро тинчлик кунларининг қадрини уруш кўрганлар билан суҳбатда яна бир бор англайдилар.”



1944 йилнинг кузида фронтга отланган Жўра Ёдгоров 664-ўқчи гвардиячи полкида хизмат қилди. Калининграддан Берлингача бўлган жангларда қатнашди. Кёнигсберг ва Полшани фашист газанларидан тозалашда, Берлин атрофида жанг қилиб, кўп минг сонли ҳарбий асирларни озод этишда фаол иштирок этди. 3-Беларус фронт-

Чироқчилик Жўра бобо Ёдгоров 96 ёшни қарши олмақда. Жўра бобо фашизмга қарши курашда мардлик ва қаҳрамонлик намунасини кўрсатди. Украина, Чехословакия, Беларус мамлакатларини озод этиш жанглиридаги иштирокини кўзларида ёш билан эслайди.

тида бўлган Жўра Ёдгоров Германияни ишғол этишда қатнашди ва ғалабани Германияда қарши олди. Уруш туғаш билан уларнинг полки Горкий шаҳрига келди. Урушдан сўнг бу ердаги автозаводда ишлади ва 1949 йилда қишлоғига қайтди.

Қарийб 20 йил Чироқчи почта алоқаси тармоғида почтачи бўлиб ишлади. Ўзининг “Жийрон” лақабли оти билан хат-хабарлар ва бошқа жўнатмаларни, газета-журналларни эғаларига етказди. Ҳашар йўли орқали алоқа бўлимларини таъмирлаш ишларида бош-қош ва ташкилотчи бўлди.

Хотира ва Қадрлаш куну муносабати билан уруш фахрийсига Президентимизнинг шахсан йўллаган байрам табриғи ўқиб эшиттирилди. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 30 мартда-

ги “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги фармони асосида 10 000 000 (ун миллион) сўм миқдорда пул мукофоти, Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерациясининг “1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида эришилган ғалабанинг 75 йиллиғи” медаллари, “Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси” номли китоб-албоми, “Ўзбекистонлик Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамонлари” номли китоб вилоят ва туман ҳокимлиги, Жануби-ғарбий маҳсус ҳарбий округи, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали мутасаддилари иштирокида топширилганида, эътибор ва фамхўрликдан отанинг кўнгли тоғдек кўтарилди.

Соҳа ривожига қўшган ҳис-

саси учун эса Жўра бобо Ёдгоровга “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали директори О.Маҳмудов жамият ва филиал номидан икки миллион сўм пул мукофоти, эсдалик совғаси ва вилоят ҳокимининг табригини топширди.

Бугун озод юртда тўқин-сочин ҳаёт кечираётган ҳар бир фуқаро тинчлик кунларининг қадрини уруш кўрганлар билан суҳбатда яна бир бор англайдилар. Ҳаётнинг ачиқ-чучугини эрта тотган, паст-баландини кўрган, сочларига оқ, ажин юзларида йилларнинг муҳри қолган нурунийларимиз тинчлик, омонлик ижобат бўлишини дуоларида чин дилдан сўрайдилар.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
“Xabar”нинг Қашқадарё
вилоятидаги мухбири

6 **➤ СОГЛАШЕНИЕ****СТАРТОВАЛ ПРОЕКТ ПО ПРЕДОСТАВЛЕНИЮ УЧИТЕЛЯМ КОМПЬЮТЕРНОЙ ТЕХНИКИ В ЛЬГОТНЫЙ ЛИЗИНГ**

Министерство народного образования Республики Узбекистан, Ассоциация "Узелтехсаноат" и китайская компания Weidong Cloud Education подписали соглашение об организации производства компьютерного оборудования для внедрения системы электронного обучения.

Церемония подписания соглашения прошла 11 мая 2020 года в формате видеоконференции.

Документ был подписан в целях развития и повышения качества, а также эффективности системы обучения в сфере народного образования Узбекистана путем обмена опытом, внедрения технологий и системы электронного обучения.

Стороны договорились реализовать проект по производству компьютерной техники и друго-

го вспомогательного оборудования для смарт-классов. Ожидается, что производство компьютерного оборудования (компьютеры, ноутбуки и т.д.) с локализацией будет налажено до конца 2020 года.

Компания Weidong Cloud Education планирует направить \$ 4 млн. прямых инвестиций на осуществление данного проекта по выпуску смарт-классов, что позволит создать 80 новых рабочих мест.



Китайская сторона также намерена привлечь финансовые средства для предоставления компьютерного оборудования на основе лизинга по льготной процентной ставке.

Министр народного образования Узбекистана Шерзод Шерма-

тов отметил: "В ситуации с введением карантина в связи с пандемией коронавируса Узбекистан также перешел в онлайн обучение. В данной ситуации все больше учителей и молодежи начнут использовать компьютеры для получения образования. Внедрение смарт-классов также поможет улучшить качество образования в наших школах".

Напомним, что Министерство народного образования Узбекистана и alifshop.uz в феврале запустили совместный пилотный проект по предоставлению электронных устройств, в том числе планшетов и ноутбуков, в расщорчку по льготным условиям для учителей.

➤ Опрос**ИЗУЧЕНО ВЛИЯНИЕ ПАНДЕМИИ НА БИЗНЕС И НАСЕЛЕНИЕ**

Государственный налоговый комитет провел опрос с целью изучения проблем, с которыми столкнулись бизнес и население Узбекистана в период пандемии "Covid-19".

На вопрос "Как карантин повлиял на вашу деятельность?" 35% опрошенных физических лиц ответили, что их потребовали выйти в неоплачиваемый трудовой отпуск, а 9% - вышли в оплачиваемый трудовой отпуск. Согласно результатам, 36% участников продолжили свою деятельность дистанционно. 20% работали в прежнем режиме.

Согласно опросу, 55% юридических лиц временно приостановили свою деятельность, а на деятельность 5% юридических лиц карантин не оказал существенного воздействия. Еще 6% участников опроса - юридических лиц - сообщили, что работают онлайн.

В опросе присутствовали вопросы по необоснованному завышению цен: 61% участников высказались о ценах положительно.

Во время пандемии согласно указам главы государства предоставлен ряд налоговых льгот. Итак, насколько туроператоры осведомлены о данных послаблениях и предпочтениях? Ответы следующие:

- 86% в курсе
- 14% не в курсе.

Об отсутствии проблем с возвратом НДС заявили 53% респондентов, еще 16% отметили, что не являются плательщиками НДС, а 31%



- указали на имеющиеся проблемы.

Положительно оценили отсутствие необоснованного вмешательства в предпринимательскую деятельность под предлогом борьбы с пандемией 85% опрошенных юридических лиц.

Согласно результатам, 1740 респондентов юридических лиц следили за новостями о налоговом администрировании, 1306 опрошенных ответили отрицательно. Опрос среди физических лиц, наоборот показал, что количество не нашедших необходимую информацию оказалось выше: 317 ответов отрицательных и 260 положительных.

Благодаря подобным исследованиям всесторонне изучаются проблемы, возникающие у населения и субъектов предпринимательства при исполнении своих налоговых обязательств. Для их устранения и недопущения повторов в будущем принимаются соответствующие меры.

➤ Проект**МОБИЛЬНУЮ ИДЕНТИФИКАЦИЮ ХОТЯТ ВНЕДРИТЬ ДО КОНЦА ГОДА ОНА БУДЕТ ЧЕРЕЗ ПИНФЛ**

ПИНФЛ планируется интегрировать с номерами телефонов и сделать единым идентификатором.

Министерство по развитию информационных технологий и коммуникаций вынесло на обсуждение проект постановления Кабинета Министров о внедрении в Узбекистане мобильной идентификации.

Процесс планируется разделить на три этапа:

- подготовка технических документов;
- определение оператора, который будет отвечать за работу системы;
- разработка системы, ее интеграция с системами мобильных операторов и электронного правительства.

В основе будет лежать персональный идентификационный номер физического лица (ПИНФЛ). Предварительные сроки завершения работ - осень 2020 года.

Опубликованный проект - продолжение работ Национального агентства проектного управления (НАПУ), о которых Spot писал в конце 2019 года. Сейчас этим занимается Мининфоком, потому



что в конце апреля министерство стало ответственным за развитие цифровой экономики и электронного правительства.

"Государственные органы используют разные идентификаторы личности, как ИНН, серия и номер паспорта. При том, что существует персональный идентификационный номер физического лица (ПИНФЛ). Это приводит к искажению статистики, к проблемам при взаимодействии государственных структур с населением, как следствие, негативно влияет на имидж госорганов и приводит к недовольству граждан", - пояснил в конце 2019 года заместитель директора НАПУ Вячеслав Пак.

ПИНФЛ - уникаль-


ный номер, который состоит из 14 цифр и не подлежит изменению. Он указывается в паспорте и отображает индекс пола, дату рождения, код города, порядковый номер гражданина, а также включает контрольную цифру.

Интеграция с мобильными операторами тогда обосновывалась тем, что появится возможность получать государственные услуги без аутентификации - достаточно информации по номеру телефона человека.

ПИНФЛ также планируется использовать при оказании коммунальных и предприятиями услуг населению и в других сферах. В целом же, он должен стать единым идентификатором.

БУ ИШНИ МАКТАБДАНОҚ БОШЛАШ ЗАРУР

“Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 21 октябрдаги президент фармони 30 йил олдин қабул қилинган қонунни унутганлар ёки бу қоидаларга хоҳлаб-хоҳламай, билиб-билмай амал қилмаётганларнинг уйғониши учун бир туртки бўлди, дейиш мумкин.



Ўтган 30 йил ўзбек тилини давлат, умумжамият, мамлакат ҳудудида яшовчи кўпмиллатли аҳолининг ўзаро мулоқот тилига айлантириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилдики, буларга кўз юмиб бўлмайди. Бироқ 2020 йил ўзбек тилининг нуфузини ошириш, унинг мавқеини янада юксалтириш, мамлакат ҳудудида фаолият юритувчи вазирлик ва идораларда, қорхона ва ташкилотларда иш юритишнинг асосий воситаси даражасига кўтариш йўлида қўйилган катта қадам бўлди.

Мухим қадамнинг биргина самараси сифатида бугун деярли барча вазирлик ва идораларда раҳбарнинг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчилари фаолият юритмоқда. Бу жами 309 та давлат органи ва ҳўжалик бирлашмасининг 282 тасида, яъни 91,2 фоизда маслаҳатчи иш олиб борапти дегани. Уларнинг мақоми раҳбар ўринбосарига тенглаштирилган.

Шиддат билан ривожланиб бораётган жамият ҳаётининг барча жаҳдаларига ахборот-коммуникация технологиялари ундан ҳам жадалроқ кириб бормоқда. Бежизга 2020 йил “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилинмади.

Ушбу йўналишда белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги энг асосий ва масъул ижрочилардан бири

сифатида кўрсатилган. Шу ўринда вазирлик ва унинг тизим қорхона ва ташкилотлари фаолияти замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан бевосита боғлиқ эканлигини инobatга олсақ, мазкур соҳада бошқа тиллардан ўзлашган ёки янги кириб келаётган сўз ҳамда атамалар талайгина.

Хусусан, кундалик ҳаётимизда юз, ҳатто минг марта ишлатиладиган “интернет”, “телевизор”, “компьютер”, “принтер”, “клавиатура”, “монитор”, “абонент”, “роуминг”, “почта”, “виртуал”, “оператор”, “локал” каби сўзлар айни дамда айтиш жоиз бўлса, қонқонимизга сингиб кетмоқда. Ёши катталар-ку майли, ўсиб келаётган ёш авлод ана шу сўзлар иштирокидаги мулоқотлар қуршоида вояга етмоқда. Ҳозирда шу ва шу каби сўзларни, аниқроғи, атамаларни ишлатмайдиган одам топилмаसा, керак. Бу сўзларнинг бири англиз, яна бири рус, бошқаси эса грек тилидан кириб келган — ана энди мазкур соҳа ходимларининг сўзлашувини ёки уларнинг иш жараёнини тасаввур қилиб кўраверинг.

Ташқаридан қараганда, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида фаолият юритувчиларни кўпчилик техника одами деб ўйлайди. Тан олиш керакки, мен ҳам озгина бўлса-да, шундай фикрда эдим, бироқ адашганлигимни улар билан ишлаб кўргандан кейингина билдим. Улар томонидан тайёрланган нафақат ички, балки муҳим қарор, фармон ва фармойишлар лойиҳаларини кўриб, бу ҳужжатларни бирор “тилчи” тайёрлаган деган хулоса қилиш ҳам мумкин эди.

Иш жараёнида мулоқотга ки-

ришарканмиз, қанчалаб тортишган пайтларимиз бўлди. Аксарият ҳужжатлар давлат тилида тайёрланиши билан бирга, бошқа, хусусан, рус тилидаги хатлар, иш режалар ҳам йўқ эмасди. Ана шуларни ўзбек — давлат тилида тайёрлаш зарур деган фикрни илгари суришим натижасида кимларгадир ёқмаганлигим ҳам рост. Рус тилида ишлаш осон бўлганлар учун бир ишни икки марта қилиш кимга ҳам ёқарди, дейсиз. Ана шунда ўз она тилини ҳурмат қиладиганлар томонидан амалда кенг қўлланиб келинаётган усулни таклиф қилдим. Яъни, биз ҳам ўз тилимизнинг ҳурматини жойига қўйган ва бошқа тилларни камситмаган ҳолда ҳар қандай ҳужжатни, аниқса, хатларнинг имзоланган нусхасини давлат тилида тайёрлаш ва зарур бўлса, бошқа тилдаги таржимасини илова қилишга келишиб олдик. Менимча, ишимиз анча осонлашгандек бўлди, ҳаммаслар ҳам бунга кўндим.

2020 йил 10 апрел куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан “Ўзбек тили кунини белгилаш тўғрисида”ги қонуннинг имзоланганини, унга кўра, 21 октябр Ўзбек тили байрами кунини эитиб белгиланганини эшитган, интернет сайтлари орқали ўқиган бўлсам ҳам ҳаммасларга индамадим. Чунки бугун ахборот технологиялари ривожланган пайтда бундай имконият ҳаммада бор. Хуллас, бу янгиланини эшитган, ўқиган борки, келиб, худди менинг туғилганим ёки менга тегишли бирор санадек мени табриқлай бошлади. Хурсандчилигимнинг чеки йўқ эди. Кўнглим тоғдек кўтарилганди. Чунки ҳамма давлатларда ҳам

она тили алоҳида байрам сифатида нишонланмайди. Биз ана шундай давлатлардан бирига айлангандик.

ЮНЕСКО маълумотига кўра, дунёда ҳар икки ҳафтада битта тил йўқолиб кетмоқда. Уларнинг йўқолиши эса бутун бошли маданият ва интеллектуал мероснинг ҳам йўқолишига олиб келмоқда.

Она тилларининг тарқалишини кенг тарғиб қилиш фақатгина тиллар хилма-хиллиги ва кўп тилда таълим олиш ёки жаҳон тиллари ва маданий анъаналар билан яқиндан танишиш билан чегараланиб қолмайди, балки улар ўзаро тушунишга асосланган бирдамликни кучайтиради.

Шу ўринда давлат тилида иш юритишга масъул бир инсон сифатида бир таклиф киритмоқчиман. Давлат тилида иш юритишни керак бўлса, мактабда, нари борса, олий ўқув юртидаёқ бошлаш керак. Бунинг биргина ва асосий сабаби бор: эртанги кун эгалари қайси миллат вакили бўлишидан қатъи назар келажақда давлат идорасида фаолият юритадиган бўлса, ўзбек тилини ўрганиши зарурлигини ҳис қилсин ва бунинг учун ҳам назарий, ҳамда амалий жиҳатдан тайёр бўлиб улғайсин. Чунки бир неча йиллар давомида ўзига маъқул тил ёки услубда иш юритиб келган ходим ёки раҳбарни бирдан ўзгартириш қийин бўлганидек, олам-олам орзулар билан ишга кирган янги ходимга ҳам бу қоидаларни ўргатиш, уни бу жараёнга мослаштириш осон кечмайди. Балки олий таълим муассасаларида Президентимиз ташаббуси билан қисқартирилганди мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар ҳисобига ана шу йўналишда дарс соатларини киритиш керақдир.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети қошида Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказининг ташкил этилганлиги айни муддао бўлди. Ҳозирги кунга қадар ушбу марказда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Молия, Мудоғола вазирликлари, Ўзбекистон телерадиокомпанияси ҳамда “Узархив” агентликларининг 70 нафар ходимининг давлат тили борасидаги маълумоти оширилди.

Нурулла АБДУЛЛАЕВ,
АКТ вазирининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси

“Она тилларининг тарқалишини кенг тарғиб қилиш фақатгина тиллар хилма-хиллиги ва кўп тилда таълим олиш ёки жаҳон тиллари ва маданий анъаналар билан яқиндан танишиш билан чегараланиб қолмайди, балки улар ўзаро тушунишга асосланган бирдамликни кучайтиради.”

МАТБУОТ КЕРАК!

МАТБУОТГА ЭЪТИБОР КЕРАК!

Журналистларга маълум, ўтган уч йил давомида, босма нашрлар даври ўтди, деган иддаолар жуда кўп бўлди. Ва бу иддаолар бошида асосан бир вақтлар газетачиликнинг қаттиқ нонини таътиб кўрган ва кейинчалик интернет журналистикасида иш бошлаган айрим ҳамкасбларимиз турди.

Матбуотга эътиборни қўйиб олиш керак. Масалан, ишсизлик муаммосини. Республика бўйлаб барча даврий нашрлар қайта оёққа турса, умид билан ўқиган қанчадан-қанча журналистлар, компьютер мутахассислари иш билан таъминланади. Нашрлар обунаси билан шуғулланувчи, уларни етказиб берувчи корхоналардаги иш кўлами ҳам сезиларли ошади. Бу билан бир пайтлар қисқартириш туфайли ишидан ажралган юзлаб, минглаб почта ходимлари ўз жамоаларига қайтади.

Балки уларнинг ҳам ўз ҳақиқатлари бўлган-дир, аммо бир томонлама ёндашувлар матбуотга яхшигина салбий таъсир кўрсата олди. Аввалига ўқитувчиларни мажбурий обуна балосидан (бу ҳам ўта салбий жиҳатдан оммага тақдим этилди) халос этишга қаратилган саноат-ҳаракатлар, аста-секин республикада чоп этиладиган барча газета-журналлар фаолиятига соя солиб улгурди. Ижтимоий тармоқларда, ҳар қандай ахборот тезкор тарзда интернет орқали етказиб берилган бугунги кунда матбуот керакми ёки керак эмасми, қабилдаги баҳс-мунозаралар қизигандан қизиди. Бундай мавзуларда мен ҳам кўп баҳслашганман ва доим бир гапни такрорлаганман: Матбуот керак! Аввало, матбуотга эътибор керак!

Ниҳоят, бу масала ҳукумат томонидан жиддий кўриб чиқилишига қарор қилинган кўплаб ҳамкасблар қатори мени ҳам қувонтирди. "Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари муассислигидаги даврий босма нашрларни қўллаб-қувватлаш ва улар фаолиятини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари (regulation.gov.uz) сайтга жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилди. Лойиҳадан давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг газета ва журналлар ходимлари

маошларини маҳаллий ҳокимият органларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан қоплаш, соф фойдани тахририят ҳисобидан қолдириш, даврий босма нашрлар ходимлари малакасини ошириш, хусусан, газета ва журналлар электрон нашрини юритишда зарур бўлган кўникмаларни шакллантириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш каби бир қатор муҳим вазифалар ўрин олган.

ҲЕЧ БИР НАШР ЭГАСИЗ ЭМАС

Қарорнинг биринчи банди шу дамгача матбуотнинг даврий тугаганини башорат қилаётганлар эътибор қаратмаган ёки қаратишни истамаётган жуда муҳим масала билан бошланган: Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ўз муассислигидаги даврий босма нашрларнинг фаолиятини сифатли ташкил этиш ва уларни ривожлан-

тиришга алоҳида эътибор қаратсин.

Хўш, нега айнан ушбу масала биринчи ўринга кўтарилди? Гап шундаки, мамлакатимизда чоп этилаётган турли йўналишлардаги газета ва журналлар эгасиз эмас, яъни ҳар бирининг ўз муассиси бор. "Ота-хон нашрлар" номини олган газеталардан тортиб, прокуратура ва суд, маҳаллий ҳокимлик органлари, турли вазирлик ва кўмиталар, сиёсий партиялару турли уюшмалар, нодавлат-нотижорат ташкилотлар ва ҳоказолар муассислигида ўз соҳавий йўналишларида газета-журналлар узоқ йиллардан бери нашр этилади. Ҳар бирининг ўз тарихи, ўзбек матбуоти ривожига қўшган ҳиссаси бор. Аммо сўнгги йилларда муассислар ўз нашрларига етарли эътибор бермай қўйгани бор гап. Таъкидлаш керакки, аввало, ҳар бир нашр – муассиснинг минбари. Буни муассислар жуда яхши англайдилар ва бу минбардан истаганча фойдаландилар. Моддий ва маънавий кўмакка келганда эса панжа орасидан қарайдилар. Ўртада ўша нашрда меҳнат қилаётган журналистларга қийин. Газетани ёпай деса муассис ружсат бермайди, ёпмай деса аҳвол танг. Бу гўё фарзанд кўришга кўриб, унинг соғлом улғайиши учун қайғурмасликдек гап. Акси бўлганда, мамлакатимизда салкам ярим миллионлик ўқитувчилар жамоаси бўлгани ҳолда "Ma'rifat" газетаси бор-йўғи 30-40 минг тиражда қолиб кетмаган бўларди. Буни исталган матбуот нашрига қиёслаш мумкин.

ҚОШ ҚУЯМАН ДЕБ...

Президентнинг икки йил олдинги "Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 3907-қарори билан халқ таълими ходимларини хизмат мажбурияти билан боғлиқ бўлмаган ишларга, мажбурий меҳнатга, касбий фаолиятига дахлсиз йиғилишлар ва бошқа тадбирларга жалб қилиш билан бир қаторда, уларнинг босма нашрларга мажбуран обуна бўлишини ташкил этиш ҳам тақиқланди. Шу охириги тақиқни мажбурий обуна керак эмаслиги ҳақида бонг ураётганлар гўё бир ғалаба сифатида кутиб олишди...

Тўғри, бу қарор ўқитувчилар нуфузини ошириш, уларни йиллар давомида оддий ҳолга айланол қолган мажбурий меҳнатдан озод қилиш йўлидаги дадил қадам эди. Аммо обуна масаласида халқ таълими раҳбарларидан тортиб, директорларгача салла қолиб каллани олишни бошлашди. Ҳа нима, мажбурий обуна йўқ, президент қарори бу! Ўшанда қарордаги айнан "уларнинг босма нашрларга мажбуран обуна бўлишини ташкил этиш" жумлаи "уларнинг ўз соҳаларига тааллуқли бўлмаган босма нашрларга мажбуран обуна бўлишини ташкил этиш" тарзида қабул қилинганда яна-да аниқроқ бўларди. Энг ачинарлиси, халқ таълими ходимларигагина тегишли бўлган қарорнинг мажбурий обунага оид ушбу банди бошқа соҳа нашрларига ҳам салбий таъсир кўрсатмай қолмади.

Бугунги кунда бутун дунёда энг долзарб бўлиб турган масала – маърифат масаласи. Маърифат – илм дегани, маърифат – маънавият дегани.

Бу билан мажбурий обунани оқламоқчи-масман. Фақат бир нарсани кўп ўйлайман. Ҳаётда шунчалик обунга мажбурланган экан, нега “Ma’rifat” газетаси адади юз минглаб бўлиб кетмади? Улар бошқа нашрларга ҳам обуна қилинган десак, уларда ҳам ҳаётда шу – адад мақтангулик эмас. Обуна қилинган нашрларнинг вақтида етиб бормаслиги, йиғилган пулларнинг (директор ёки обуна уюштирган корхона томонидан) туя қилиниши... ва ҳақозо салбий иллатларга газетачилар айбдор эмасди.

Обуна ҳақида гапириш туғул, шунчаки бирор нашрни тарғиб қилсангиз ҳам дарров порталга арз қилувчилар кўпайиб кетган пайтлар узоқ қишлоқдаги мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлган танишим телефон қилиб қолди: “...Йилда “Boshlang'ich ta'lim” журналига обуна бўлардим. Ҳар ой мактабга олиб келишарди. Ўқувчиларим ота-оналарини йиғиб, фарзандларини “G'uncha”, “Tong yulduzi” нашрларига обуна қилишларини таклиф қилардим. Улар бажонидил рози бўлишарди. Жуда қиммат эмаску. Ҳатто, кам таъминланган оиладан бўлган айрим ўқувчиларим учун ҳам ўзига тўқ ота-оналар пул қўшиб юборарди ва бунни ҳеч ким билмасди. Йил давомида бу нашрлардан ўқувчиларим синфдан ташқари ўқишларда фойдаланишарди. Тез ва ифодали ўқиш, мантикий фикрлашни ўстиришда бу нашрлар фойда берарди... Бу йил директоримиз, ҳеч қандай обунага пул йиғмайман, акс ҳолда шидан бўшайман, деб тилхат ёздириб олди ҳамма ўқитувчидан. Ҳатто “Ma’rifat”га ҳам ёзилмадики. Бу газета бизга керакку...”

Аслида, жамиятдаги энг маърифатли қатлам ўқитувчилар бўлиши керак. Газета-журналисти, демакки, мутлоаани инкор қилган ўқитувчини тушуниб ҳам, оқлаб ҳам бўлмайди. Афсуски, шунга олиб келиб қўйдик. Обуна бўлман, деган педагогни қўллаб-қувватлаш, унга фойдали маслаҳатлар бериш, нашрни кечиктирмай қўлга етказиш чораларини кўриш ўрнига, мажбурий обуна мумкинмас, қабилида “даҳмаза”дан осонгина қўтилиб қўяқолдик.

ТАНҚИД КЕРАК, МАЪРИФАТ ҲАМ

Матбуотнинг даври ўтди, дегувчилардан яна бир иддао: танқидий мақола бермайдиган нашр кимга керак?! Ва бу кескин фикр айнан матбуот учун масъул, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга жавобгар шахслар томонидан айтилаётгани анча ғалати. Тушунса бўлади, ёрдам бериш учун жон койитиш керак, ҳукуматга керакли тавсиялар тақдим қилиш лозим. Ундан кўра йўқ қилиб қўяқолиш анча осонда...

Майли, танқидга келсак. Нега энди ҳар бир нашрдан танқидий чиқишлар кутишимиз керак? Юқорида санаганим ҳар бир йўналишдаги нашрнинг ўз низоми бор. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, илмий-оммабоп, кўнгилочар ва қайсидир соҳага ихтисослашган газета-журналлар материалларга ўша низомига келиб чиқиб ёндашади. Масалан, “Ma’rifat” халқ таълимидаги ўзгаришлар, янгилликларни таҳлилий тарзда ўқитувчиларга етказиш, илгор педагогик технологияларни омма-лаштириш каби вазифаларни мақсад қилган. Халқ таълими тизимида камчиликлар тикилиб ётибдику, ўшаларни нега ёритмайди, дерсиз. Биринчидан, бу масалани бошқа нашрлар ва сайтлар ҳеч унуттигани йўқ. Иккинчидан, сиз ўзингиз ўтирган шохни арралармидингиз? Соғлиқни сақлаш тизимидаги газета ва журналлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин... Бу билан газеталар танқидий материаллардан холи ҳам демократиямасман. “Оила ва жамият”, “Xabar” (бу газета 1992 йилдан чиқа бошлаган ва мамлакатимиз АКТ соҳасидаги ҳар қандай ангиллик ва ўзгаришларни, ушбу соҳа фидойи ходимлари меҳнатини, уларнинг орзу-умидларини ёритадиган ягона нашр ва буларни бирорта интернет сайтида учратмайсиз), “Оила даврасида”, “Хуррият”, “Жамият”... бу нашрлар ҳар сонидан истаган мавзудаги танқидий, таҳлилий, муаммоли мақолаларни ўқиш мумкин. “Газеталар танқид бермайди”, “Журналистлар ухлаётгани” дегувчилар бундан беҳабар бўлса, матбуот айбдор эмас.

Келинг, танқид сўзи ўрнига маърифат сўзини қўллаб кўрайлик. Бугунги кунда бутун дунёда энг долзарб бўлиб турган масала – маърифат масаласи. Дунёдаги бугунги талотўплар замирида ҳам айнан маърифатсизлик турибдику. Маърифат – илм дегани, маърифат – маънавият дегани. Маърифат аввало китоб-

лар, газета-журналлар мутлоасидан бошланади. Ҳатто энг ривожланган давлатлар ҳам

бир қатор янги ҳамкорлар – Service Civique давлат волонтерлик ташкилоти, France

нинг йиллик обунаси қиммат ҳам эмас (ҳафтасига саккиз саҳифасининг барчаси рангли чоп этиладиган “Tong yulduzi” эллик минг атрофида)... Бир пайтлар юз минглаб ададда тарқатилган газета (аслида бу ҳам кам) нуфузи нега бу қадар тушиб кетди? Жавоб битта: мажбурий обуна керакмас, дея кўр-кўрона бақиритилган туфайли.

– Дарҳақиқат, бугун ҳар қандай ахборотни интернетчалик тезкор етказадиган восита йўқ. Буни тан олишимиз керак. Аммо, бу матбуот керакмас, дегани эмас, — дейди Ўзбекистон болалар ва ўсмирларнинг “Tong yulduzi” газетаси бош муҳаррири Феруза Адилова. – Айниқса, ҳукумат томонидан ёшлар ўртасида китобхонлиқни, мутлоа маданиятини ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар бошланган бир пайтда матбуотнинг ўрни ҳар қачонгидан муҳимдир.

Вазиятдан келиб чиқиб бугун биз ҳам газетани онлайн тарзда тайёрлаёмиз, аммо ўқувчиларимиз, бизга газета беринг, деяпти. Аслида китобхонлиқка йўл шу эмасми?!

Аслида, халқимиз, ўсиб келаётган авлод мутлоага ташна, фақат шу ташналикни қондиришнинг самарали ва оқилона йўллари излаб топиш керак. Айниқса, фарзандларимизни болалигидан матбуот билан ошно қилсак, китобхонлиқни ривожлантиришга мустаҳкам пойдевор қўйган бўламиз. Фақат бунинг учун газета-журналларга мажбурий обунага ижобий кўз билан қарай олишимиз керак. Африканинг қашшоқ бир мамлакатаи президенти шундай деганди: Одамларни маърифатга мажбурлашнинг ёмон томони йўқ!

Қўшимча иш ўринлари яратилди

Матбуотга эътиборни кучайтириш орқали бошқа муаммоларни ҳам ечиш мумкин. Масалан, ишсизлик муаммосини. Республика бўйлаб барча даврий нашрлар қайта оёққа турса, умид билан ўқиган қанчадан-қанча журналистлар, компьютер мутахассислари иш билан таъминланади. Нашрлар обунаси билан шуғулланувчи, уларни етказиб берувчи корхоналардаги иш қўлами ҳам сезиларли ошади. Бу билан бир пайтлар қисқартириш туфайли ишидан ажралган юзлаб, минглаб почта ходимлари ўз жомаларига қайтади. Бу мулобага эмас, зеро ҳаётимиз занжир каби бир-бирига боғланган.

Матбуот ходимлари қалб-рига кутаринкилик олиб кирган лойиҳа муҳокамада. Уйлаймизки, умрини газета ва журналларга бахшида этган барча журналистлар, айниқса, устоз қалам аҳли бу лойиҳанинг ҳаёtgа татбиқ этилишига ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Усмонжон Йўлдошев,
“Xabar” газетаси масъул котиби



бугун маърифатга қайтадан муурожаат қилаётгани бежиз эмас.

ФРАНЦУЗЛАРДАН ҚАЕРИМИЗ КАМ?

Шу ўринда ривожланган давлатлар матбуотдан воз кечяпти... дегувчиларга бир эътироз. Айрим нашрлар ўз умрини ўтаб бўлган бўлса бордир ёки онлайн шаклга ўтаётгани ҳам рост. Аммо хорижда яшаётган, бориб-келганки инсон билан суҳбатлашсангиз, айни кунда ҳам у давлатларда даврий матбуотнинг ўрни жуда мустаҳкамлигига гувоҳлик беришади: “Улар тонгни кофе ва газета билан қарши олишади...” Айниқса, ёш авлодни маърифатли қилиш борасида Франция таърибаси ўрганса арзигуликдир.

Францияда газета ва журналларнинг чоп этиш, тарқатиш борасида давлат субсидиялари белгиланган. Шундай бўлсада 2009 йилдан бошлаб мамлакат президенти Николая Саркози ташаббуси билан ёшларни кундалик газеталарни ўқишга жалб этиш буйича маҳсус дастур амалга оширилди. Ушбу акция ноширлар билан ҳамкорликда олиб борилди ва 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмирлар учун газеталарга йиллик бепул обуна тақдим этишни қамраб олди.

Маданият ва оммавий коммуникациялар вазирлиги бошлаб берган “Menга совга қилинган газета” мақсадли акцияси аудиторияси тез орада жуда гажум бўлиб кетди. Биринчи босқич давомида аризалар орқали рўйхатдан ўтган 300 минг француз ёшларидан 200 минг нафари (18–24 ёшдагилар умумий сонининг 7 фоизи) етти ой давомида бепул абонементларга эга бўлди.

Шу йили лойиҳага жами 59 номдаги кундалик газеталар жалб қилинган, 2010 йилда эса ташаббусга яна учта нашр қўшилган. Уч йиллик бу лойиҳага Маданият ва оммавий коммуникация вазирлиги 15 млн. евро маблағ сарфлаган. Ушбу лойиҳада кейинчалик

Televisions миллий телеузатиш тармоғи, Waka ёшлар интернет-портали ва MTV телеканални қатнашиш истагини билдиришган. Уларнинг ёрдами билан акция ташкилотчилари ўқувчилари аудиториясини сезиларли даражада кенгайтириб олишган.

Энг муҳими, уч йилдан сўнг галвир сувдан кўтарилган ва ҳайратланарли натижа қўлга киритилгани аён бўлган. Яъни, шу уч йиллик лойиҳада иштирок этган – уларига етказиб берилган бепул газета ва журналларни ўқиб улғайган ёшлар орасида кенг дунёқарашга эга, илм-фаннинг барча соҳаларига, замонавий технологияларга қизиқувчи, ихтирочилик қобилияти кучли йигит-қизлар сафиси сезиларли ошган. Бир сўз билан айтганда, мақсадсиз (уюшмаган) ёшлар деяри учрамаган. Демак, Франция ҳукумати миллионлаб евро сарфлаб бўлса-да эзгу мақсадга эриша олган. Мана сизга мутлоанинг кучи! Орадан ўн йил ўтди, шахсан мен ўша ёшлар бугун турли жаҳалларда француз жамиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётганига ишонаман.

Эҳтимол бизда бу даражада кенг қўламли акцияни ўтказишга молиявий жиҳатдан имкон камдир. Лекин нашрларга обунани тўғри йўлга қўйиш орқали французлар натижасига эришса бўлади. Чунки бизда ҳам турли ёш ва касб-корга йўналтирилган даврий нашрлар жуда кўп. Хусусан, фарзандларимизнинг боғча ёшидан бошлаб то мактабни тугатгунгача даврини қамраб олувчи нашрлар – “G'uncha”, “Tong yulduzi”, “Gulxan”, “Yosh kush”... Афсуски, ушбу барча нашрлар умумий ададини жамласак ҳам болажонларимиз ва ёшларимиз сонидан жуда-жуда кам. Масалан, шу бугун “Tong yulduzi” газетаси атиги 6 минг (!) нусxada чоп этиляпти экан. Газета аудиторияси эса камида 6 миллион! Тақсимотини ҳисоблашга уялади одам. Ваҳоланки, давлат томонидан болалар нашрларига берилган имтиёзлар боис бу газета-журналлар

“Газеталар танқид бермайди”,
“Журналистлар ухлаётгани”
дегувчилар бундан беҳабар бўлса,
матбуот айбдор эмас.

БАҲОР БИЗ БИЛАН, БОЛАЖОН!



Ям-яшил майсалар бўй чўзиб, дов-дарахлар оппоқ гулга бурканган, қушлар борлиқнинг уйғониш қўшиғини баралла куйлаган, қуёш илиқ тафти ила она табиатни эркалаб, майин шаббода кўнгилга ажиб ҳислар солган дамларда, беихтиёр кўз ўнгимизда болалиқнинг беғубор олами мавжланади. Кўкни қучган варраклардан завқ олган болакайлар, бошидаги толбарги ўрим сочи билан бўй таллашиб, қўлига чучмомаю лолақизгалдоқ дасталаган гул қизларга эргашган қизалоқлар...

“Ойижон, дадам ишга ниқоб тақиб кетдимиз?”, деганча мени сўроққа тутуди. Бироз ошхона ишлари билан андармон бўлсам, “Ойижон, қўлни ювиш вақти бўлди”, дея кўзларини пириллатиб ёнгинамда ҳозир бўлади.

Она табиат баҳорий тароват билан бағрини очган паллалардан коронавирус пандемияси минг афсуски, барчамизни оила аталмиш мўъжаз сайёрамизда “чегаралаб” қўйди. Айтмоқчи бўлганим, бу синовли кунлар биз катталарни-ку, майли, кўзимиз қувончи бўлган болажонларни ҳам мана шундай завқли онлардан бебаҳра этиб, уларнинг беғубор оламини бироз қисқартди.

Бугуннинг боласи зийрак ва билагон, кези келганда, кўнучан ва мослашувчан эканлигини карантин шароитида яна бир бор исботлади, десак асло муболаға эмас. Чунки ширинтойларимиз бугун ака-опаси телевизор дарслар орқали онлайн таълим олаётгани, махсус тозаловчи воситалар, бир марталик салфетка, ниқоб, ҳатто дадасининг машинада ниқоб тақиб юришидан тортиб, элтиб бериш хизмати ҳам тушунади. Ота-онаси хизмат вазифасини онлайн бажараётганини ан-

лайди. Оиласидан ташқаридаги яқинлари, тенгдошларининг “Қандайсан? Қачон келасан?” деган сўроғига дадиллик билан баралла “Карантин тугасин!” дея жавоб бергани кўйи соғинчини расмлар ёки видеокўнғироқлар орқали аритади. Келинг, бу борадаги фикрларимизни бир онанинг сўзларидан олинган айрим лавҳалар билан бойитамиз.

– Ҳали тўртни ҳам тўлдирмаган ўғлим бор. Уни ҳар куни нима биландир овутиб боғчага кузатиш одат тусига кирганди. Ҳозир кўз очибоқ, “Ойижон, карантин тугаса, боғчамга бораман-а? Фотима опамни, ўртоқларимни соғиндим”, дея ҳафсаласизгина ўрнидан кўзгалади. Аммо зум ўтмай бор масъулияти билан “Ойижон, дадам ишга ниқоб тақиб кетдимиз?”, деганча мени сўроққа тутуди. Бироз ошхона ишлари билан андармон бўлсам, “Ойижон, қўлни ювиш вақти бўлди”, дея кўзларини пириллатиб ёнгинамда ҳозир бўлади. Жажжигина бармоқларини худди телеэкранда кўрсатилганидек совунлаб, бир-бирига оҳиста ишқалаб ювиб, сочиқчасига артишини кўриб, меҳрим товланаб, болажонимни бўйларидан қучиб, эркалаб, суяман. “Иброҳим қалайсан? Аҳволларинг яхшимми? Ойим таътилда, биз уйдимиз. Боғчамизни ремонт тугабдимми? Ё сен боғчага чиқяпсанми? А-а-а, карантин тугасин...” Кимдир кўнғироқ қилибди, чоғи, деган ўй билан ортимга қайрилиб кўрайки, кичкинтойим йиғма уйинчоғидан ясаган телефончасида менга

Дилбандим, остона ҳатлаб кўчага чиқаман ёки варрагимнинг ипини боғлаб беринг, велосипед учаман, деб хархаша қилмади. Балки, у меҳр ва сабрни беғубор туйғулари ила авайлаб, оиламизга синовли кунларда ёруғлик олиб кирди.

парво ҳам қилмай суҳбатни давом эттирганча нариги хонага чиқиб кетди.

Кундалик юмушларимни тугатиб, кичкинтойим билан эртақ ўқиб, қаҳрамонларнинг расмини гоҳ бўёқда, гоҳ рангли қаламда икковлашиб жонлантирамиз. Болажонимнинг ширин тилида ўзбек, рус, инглиз тилларида жаранлаган рақамларни тинглаб, “Баҳор бу – весна” дейишидан хурсанд бўламман. Геометрик шакллар – айлана, учбурчак, тўртбурчакни номма-ном айтиб, квадратни “қдварат”, деса, худди унингдек завқим ошади. Унинг хатоларини тўғрилаб, оналик бурчимни яна бир бор туяман. “Ҳурматли ойижонлар, болаларни бўш қўйманг, уларга баҳор расмини чизишларига ёрдамлашинг. Ва телеграмда менга юборинглар, илтимос”, деган боғча опасидан келган хабарни кичкинтойимга етказиб енгил тин оламан.

Бироз ором олиб тиниққан болажоним, телевизор томоша қилиш, телефондаги уйиндан кўра компютерни ёқишни афзал билди. Чунки унда у ёқтирган “Сеними, шошмай тур!” мультфильми бор-да. “Бўри ҳечам кўёни тутолмайди-да. Шундоқ йўлидан чиқасаям... э-э-э, куён яна қочиб кетди...”

Кечки овқатдан кейин болажоним дадасини интизорлик билан кута бошлади. Ва ниҳоят, эшик кўнғироғи жириглади. “Дадам келди!” – дик этиб ўрнидан кўзгалди ва кириш йўлаги томон чопди. Бироқ тезда ортига қайтиб, “Дадамга салфеткаларни олиб чиқинг, ойижон!”, деди ва хомуш тортиб

яна экран қаршисига тиз чўкди. Хомуш тортганининг сабаби, авваллари у ишдан қайтган дадасини акаси, опасидан аввал бўйнидан қучиб, қуёшдек қулиб қарши оларди. Аммо бугун унга дадасининг “Тойчоғим, қўлларимни ювиб олай”, дейишининг ўзи кифоя қилади. У коронавирус туфайли бу эҳтиёткорлик чорасига кўникиди. Ҳа, ширинтойим кўникиди.

Дилбандим, остона ҳатлаб кўчага чиқаман ёки варрагимнинг ипини боғлаб беринг, велосипед учаман, деб хархаша қилмади. Балки, у меҳр ва сабрни беғубор туйғулари ила авайлаб, оиламизга синовли кунларда ёруғлик олиб кирди. Шукр, ҳаммаси яхшиликка, карантин чоралари бироз юмшатилиб, энди болажонимни сайраг олиб чиқяпман.

Ҳар биримиз бола бўлганмиз. Ҳаётнинг турфа сўқмоқларидан, кези келганда, қоқилиб, баъзан югуриб улғайганимиз рост. Юқорида мурғак фарзандининг қалби қанчалар покиза туйғуларга ошно эканлигини сўзлаган онанинг фикри ҳар ҳолда янгилик эмасу аммо бир саволга жавоб излаш, муҳим хулосага келишга ундайди. Яъни, карантинда “эплаб кўчада юриш”ни “кун мавзуси”га айлантирганлардан тортиб, “пагонни юлиш”гача борганларнинг “сабр коса”си болаларнинг иродасидан-да ожизми? Биз бугун эркатой, танти, сергап, маҳмадона ширинтойларимиздан ҳам ўрганадиган, ибрат олади-ган, тарбиянинг қатларига сингиб кетган инсонийлик борлигини тан олишимиз керак, назаримда.

Гулноза ТУРҒУНБОЕВА

МАТОНАТ ВА ЖАСОРАТ ТИМСОЛИ



Суратда: Содиқ бобо алоқачи неваралари Алишержон ва Муҳаммаддон билан.

“Ўзбектелеком” АК Фарғона филиали жамоаси эса азал-азалдан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини эъзозлаб келади. Хотира ва Қадрлаш куни арафасида бу йил ҳам раҳбарият ва касаба уюшмаси кўмитаси вакиллари ҳамроҳлигида матонат ва жасорат тимсоли Содиқ бобо Мамаюсупов хонадонига бўлди.

Фарзандларининг айтишича, бобо айниқса филиалдан келишганда севинганидан ўзини кўйрага жой тополмай қолар экан. Ўзини устози аввал деб ардоқловчилар даврасида инсон ўзини бахтиёр ҳис этса керакда. “Моҳир алоқачи” увнони соҳиби саксон ёшли Нўъмон ота Каримов ҳам бобони устозимсиз, деб эъзозлайди. Дарҳақиқат, Содиқжон бобонинг улуглиги, забардастлиги шундаки, бобо ўз вақтида кўплаб ажойиб шогирдлар етиштирибгина қолмай, фарзандлари орасида ҳам муносиб алоқачиларни етиштиришга муяссар бўлди. Солижон ўғли (раҳматли), Ҳамидаҳон қизи унинг ишларини давом эттиришди. Ҳозирда уч нафар невараси Азизбек, Муҳаммаджон ва Алишержонлар Тошкент ахборот технологиялари университетида таҳсил олиб, соҳа ривожига салмоқли улуш қўшмоқдалар.

С.ҲАФИЗОВА

15 май – Халқаро оила куни

Бизга хос бўлган ҳолатга эътибор беринг. Ота кўчадан кириб келди. Ҳовлида ўйнаб юрган болаларнинг бири унга пешвоз чиқиб кўлидаги сумкаларини олди. Қизи отасининг кўлига сув куйишга шошилди. Она унга кўрпача тўшаб, олдига дастурхон ёзди. Нонни биринчи бўлиб у киши ушатди ва илк бўлагини ҳам ота кўлига олди. Овқатни ҳам ота бошлади. Ушбу манзара жуда кўпчилигимизга таниш. Бу ўзбек оиласининг этикаси.

Дарҳақиқат, инсон шахсини шакллантириш оила муҳитидан бошланади. Энг юксак инсоний ҳис-туйғулар, бетакрор маънавият, иқтидор ҳам оила бағрида камол топади. Ҳар бир инсоннинг шахс бўлиб шаклланишида, ютуқларга эришишида оила яхши мотивация ҳисобланади.

Психологияда ижобий ва салбий мотивация мавжуд. Масалан, баъзи оилаларда уй ҳўжалигини юритишни ижобий рағбатлантириш одатий ҳол. Психолог Ирена Кудманнинг олиб борган тадқиқотлари шуни кўрсатадики, баъзида одатий уй ишлари оила аъзолари учун қўшимча мотивация ёки муқофотни талаб қилмайди: “Айтайлик, оилада бувининг пиширган ширинлигини кўпчилик хуш кўради. Аммо буви га ширинлик пишириш осон бўлмаса ҳам невараларини хурсанд қилиш учун пиширади. Бу вазиятда неваралар бувининг меҳрини ҳис қилади, буви оила кечқурун бир пиёла чай ва пирожний билан дастурхон атрофида суҳбатлашаётганидан хурсанд, буям мотивация. Яъни, оиладаги ҳар бир аъзо ўз вазифаларини завқ билан бажариши бошқа аъзоларига мотивация беради. Баъзи оилаларда қимматли вақтини ва кучини бошқа одамларга бағишлаш одат тусига кирган. Ушбу оилаларда ўзаро бир-бирини тушуниш, кўллаб-қувватлаш истаги кучли бўлади.

Энди салбий мотивацияни эътиборга олайлик. Бир бола дарсда ўз оиласи ҳақида гапираркан, бобоси варракни яхши ясашини, лекин ясаб бермаслигини ва ҳатто уларникига келмаслигини айтиди: ушбу мисолда биз боланинг кўнгли қолганини, эҳтиёткорлик билан яширилган хафагарчиликни, соғинчли ва бузилган муносабатларни кўраемиз”.

Бизнинг ўзбек оилаларида ижобий мотивацияга жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Маҳалламизда Олим ота деган инсон яшарди. Уни ҳамма ҳазиллашиб “хожатбарор”, “нажот фариштаси”, деб

ОИЛА МУВАФФАҚИЯТ УЧУН МОТИВАЦИЯ

атарди. Чунки Олим ота кимнингки бошига бирор иш тушса ўша жойда ҳозир нозир, кўшнилари билан аҳилликда ҳам ҳаммага ўрнатилган бўлган эди. “Умрида биров билан сен менга бормаган”, дейишарди у кишини яхши билганлар. Ҳатто ёз кунлари одамлар экинларини сўғориш учун сувга навбат талашганда ҳам Олим ота фақат вазиятдан муроса йўли билан чиқиб кетарди. Оилалар ҳам болаларига овозини чиқариб гапирмас, қачон қараса хотини билан гурунглашиб ўтирган ёки иккаласи богда куймаланиб юрган бўларди. Улар хонадонига етти ўғил ва икки қиз воёга етди. Одобли, эсли-хушли болаларнинг ҳаммаси бугун оилали. Олим ота вафот этганига анча йиллар бўлди. Энди у кишининг барча фарзандлари яхши жойларда ишлайди. Бир қарашда Олим ота хонадонидегиларнинг бошқалардан фарқи йўқдек кўринади. Аммо болаларига ўзидан меҳр-оқибатни, самимийликни, ўзгаларга яхшилик қилишни мерос қолдириб кетган Олим отанинг берган тарбияси, кўрсатган ибрати бугун фарзандларнинг бахтини қўллаган бўлиши мумкин. Уларни билган таниш-билишлари “фалончи аканинг ўғли отасига тортибди-да, у киши шунақа яхши одам эди, ҳаммага самимий, ҳеч кимдан ёрдамни аямасди, болаларини ҳам ахлоқли, одобли қилиб воёга етказибди”, дейишади. Шу боис бўлса керак Олим отанинг фарзандлари орасида оиласи билан кўйди-қикди қилиб юргани йўқ. Ўғиллар ҳам ота-онасининг хурматини жойига қўйганидек, турмуш ўртоқларининг энг яқин суяничи, қизлари онаси Холбиби ая Олим отани қадрлаб, оиланинг устунлиги, деб қараган бўлса, улар ҳам худди шундай турмуш ўртоқларини доимо ардоқлайдилар. Олим отанинг неваралари ўттиз нафардан ошди. Ҳозирги пайтда улар ҳам ўша оила муҳитида тарбия топмоқда. Демак, уларнинг ҳам келажақда оиласи мустаҳкам бўлади.

Айтайлик, бир хонадонда беш нафар фарзанд бор. Уларни ота-оналари ахлоқли қилиб тарбияласалар, демак, уларнинг ҳам келажақ авлоди худди Олим отанинг неваралари каби барчага намуна бўлади. Улар фарзандларининг фарзандлари ҳам худди шундай. Меҳр-оқибат,



яхши тарбия кўрганлик ришталари ана шундай мустаҳкам бўлади. Аммо худди шундай бир оилалар беш нафар фарзанд ноқобил бўлса, кейинги авлод тарбияси ҳам таназзулга юз тутаяди. Бу эса жуда ям ачинарли ҳол.

Болалар жуда ёшлик чоғлариданоқ катталарни ҳурмат қилишга ўргатиб борилади. Бундай ҳурмат турли йўللار билан тарбияланади. Биринчи йўл ота-онанинг ўзи ибрат кўрсатишидир. Болалар ота-онанинг кўни-қўшнилари, буви ва буваларига ота-оналарининг муомаласини кўриб ўлғаяди. Оилалар катталар ўз ота-онасига меҳр кўрсатса, буни кўриб ўлғайган болалар ҳам кейинчалик шундай қилдилар. Буям ижобий мотивацияга киряди.

Энди юқоридагиларга мутлақо тескари мисол. Ота уйга ҳар куни ичиб келиб онани, болаларни ҳақорат қилади. Бу уйда ота “Фақат менинг айтганим айтган, деганим деган” қабилида иш кўради. Болаларини очми, тўқми иши йўқ. Доим оилаларда уруш-жанжал кўрган, меҳр-оқибатсизликнинг қурбони бўлган ўғиллардан бирининг ҳаётидан отасини кўргани кўзи йўқ. Кичигининг онасига раҳми келади, ичи ачийди, аммо бу онасини ҳурмат қилади дегани эмас-да. Қолаверса, зўравон отанинг дастидан онасига бўлган меҳрини ошқор қилолмайди. Бу оилалар онани, аёлни ҳурмат қилиш лозимлигини ҳеч ким ўйлаб ҳам кўрмайди. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг. Бу болалар эртага оила қуришга отасидан кўрганини тақдорламайди, деб ким айта олади. Чунки улар оила ёки хотин билан муомала шундай бўлиш керак, деган фикрда ўлғ-

аядилар. Демак, оилалар ота онани ёки она отани ҳурмат қилмаса, фарзандлари олдида ўз обрўларини йўқотиб қўйишлари турган гап. Салбий мотивация келажақда болаларнинг муваффақиятсизликларига сабабчи бўлиши турган гап.

Тадқиқотлардан маълумки, оилаларда бола тарбиялашнинг муайян қоидалари, принциплари мавжуд. Масалан, оила муҳитида ҳис-туйғу мослиги ҳукм суриши керак. Қолаверса, бола шахсини ҳурмат қилиш, уни жинси ёки ёшидан қатъи назар бирдай севиш лозим. Таълим-тарбияда уларнинг ёши ва қизиқишларини албатта ҳисобга олиш даркор.

Бир пайтлар маҳалла фаоллари бир ҳолатни муҳокама қилишди. Яъни, 15 ёшли ўсмир йигит мактабга бормади пул ишлаш учун бозорда юрган экан. Болани чаққиртириб суҳбатлашдик. Сабабини сўрадик. Дастлаб ерга қараб индамай ўтираверди. Хонада икки киши қолганимиздан кейин бошини кўтармасдан кўйидегиларни айтиб берди. Маълум бўлишича, отаси унга укалари олдида “Сен ношудсан, ишқамассан”га ўхшаш гапларни бир неча марта айтгани, айниқса, онасига, менга телефон олиб беринг, деганида, телефонни пешона теринг билан толган пулингга олсан, ҳозирча, сен текинтомоқсан, ёки, мен сени боқиб қўйибман, каби миннатли гаплар боланинг уйдан бош олиб кетишига сабаб бўлган.

Демак, тарбиянинг муҳим қуроли нутқ ҳисобланади. Яъни, бунда ота ёки она ёқимсиз оҳанг билан болани жеркимаслиги, мантисиз ёки қайтарик сўзни ишлатмаслиги лозим. Уларда ишонч ҳиссини синдирадиган ҳазил-мутойиба, кесатиқ, кинояли гапларни ҳам гапирмаслиги керак. Баъзи вилоятларда, орамизда ҳам болаларига сизлаб мурожаат қиладиганлар бор. Агар эътибор берган бўлсангиз, шундай муҳитда тарбия топган болалар ширинсухан, ҳаммани ҳурмат қиладиган, мулоийм бўлиб воёга етадилар. Оилалар ширинсуханликка, мулоиймликка, дилкашлик, бағрикенглик ва ҳотамтоъликка нима етсин!?

Аҳмад ТУГАЛОВ,
Тошкент фармацевтика
институтини ўқитувчиси

12 АЛОҚА ОЛАМИДА

КОРОНАВИРУС

ЎЛИМ ХАВФИНИ
АНИҚЛОВЧИ КАЛКУЛЯТОР

Пошлага олимлар томонидан коронавирус инфекциясини юқтирганда ўлим эҳтимолини ҳисоблаб берувчи калкулятор ишлаб чиқилди.

Помор фан ва технологиялар парки вакили Магдолена Мала-ра-Швитонская журналистларга маълум қилишича, дастур "одамнинг ёши ва жинси, сурункали касалликларнинг тўртта асосий тури (юрак-қон томир, юқори қон босими, қандли диабет, онкология касалликлари) ҳақидаги маълумотларга таянади.

Калкуляторни яратишда шифокор ва эпидемиологлар ҳам иштирок этишган.

"Коронавирус тўфайли ўлим хавфи турмуш тарзи ва у билан алоқадор касалликларга, жумладан, семизлик, диабет, гипертония ва унинг асоратларига боғлиқ. Сўнгги маълумотларга кўра, ҳеч қандай сурункали касаллиги бўлмаган одамлар орасида COVID-19 тўфайли ўлим даражаси 1 фоизни ҳам ташкил этмаган", - деди калкуляторнинг асосий ишлаб чиқарувчиси, тиббиёт фанлари доктори Пётр Бандош.

Калкулятор тестига кўра, сурункали касаллиги бўлмаган 30 ёшли эркеклар коронавирусга чалинганида ўлим хавфи - 0,03 фоиз, аёлларда эса 0,02 фоизни ташкил этади. Қандли диабет ва саратон хасталиклари мавжуд 80 ёшдаги эркек учун бундай хавф-хатар - 125,86 фоиз, худди шу ёшдаги ва ўша касалликлари бўлган аёллар учун эса - 14,03 фоизни ташкил этади.

СМАРТФОН

ХИАОМИГА ЖИДДИЙ РАҚИБ ПАЙДО БЎЛДИ

Realme компанияси тақдим этиши кутилаётган X3 смартфонни камералар технологиясида ҳақиқий портлаш бўлиши мумкин. Бу ҳақда компания раҳбари Мадҳав Шет Twitterда хабар берди.

Смартфон ҳақидаги бошқа маълумотлар ҳозирча ошкор этилмаган. Қурилманинг диққатга сазовор асосий жиҳати бу - унинг камераси. Камера 60 карралик зум, Starry Mode деб номланган тунги суратга олиш режимига эга бўлади.

Шунингдек, Шет смартфонда олинган илк сурат билан бўлишди: унда юдзулар орасидаги Сомон йўлини кўриш мумкин. Компания раҳбари ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларини ўз смартфонидан фойдаланиб, бундан-да сифатлироқ расм олишга чорлади.

Экспертлар ушбу қурилма Xiaomi смартфонларига муносиб рақиб бўлиши мумкин дейишмоқда.

БИЗНЕС

IPHONE 11 -
ДУНЁДАГИ ЭНГ
ОММАЛАШГАН
СМАРТФОН

iPhone 11 2020 йилнинг биринчи чорагида дунёда энг оммалашган смартфонга айланди - Canalys компанияси хабарига кўра, уч ой давомида бу қурилмадан қарийб 20 млн. дона сотирилган.

Дунёда энг кўп сотилган смартфонлар рўйхатидан iPhone'нинг яна икки модели жой олди. Энг хариди чаққон қурилмалар орасида Xiaomi'нинг уч хил, Samsung'нинг тўрт хил смартфонлари бор:

1. iPhone 11;
2. Redmi Note 8/8T;
3. Galaxy A51;
4. Galaxy A10s;
5. Redmi Note 8 Pro;
6. iPhone 11 Pro Max;
7. Galaxy A20s;
8. Galaxy A01;
9. Redmi 8A;
10. iPhone 11 Pro.

Рўйхатга App'нинг нархи бирмунча юқори ҳамда Samsung ва Xiaomi'нинг ҳамён-боп моделлари киритилган.

РЕЙТИНГ

ДУНЁДАГИ ЭНГ КУЧЛИ
ANDROID-СМАРТФОНЛАР НОМИ
ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

AnTuTu бенчмарки апрел ойининг энг юқори самарадорликка эга топ смартфонлари рейтингини чиқарди.

Рўйхатнинг энг юқори қисмидан 593 минг балл билан Xiaomi Mi 10 Pro янги флагмани ўрин олди. Смартфон Snapdragon 865 процессорида ишлайди, 8 гигабайт тезкор хотирага эга LPDDR5 ўрнатилган.

Иккинчи ўринда - OnePlus 8 Pro (582 минг балл). Бу смартфонга ҳам Snapdragon 865 ўрнатилган, тезкор хотираси 12 гигабайтга тенг.

Учинчи ўринда 580 минг балл тўплаган Xiaomi Mi 10 флагмани - Snapdragon 865 процессори ва 8 гигабайт тезкор хотира.

Кейинги ўринларда:

- Samsung Galaxy S20 Ultra 5G (Exynos 990) - 519 минг балл
- Samsung Galaxy S20+ 5G (Exynos 990) - 518 минг балл
- ASUS ROG Phone II (Snapdragon 855+) - 509 минг балл
- Samsung Galaxy S20+ (Exynos 990) - 505 минг балл
- Samsung Galaxy S20 5G (Exynos 990) - 503 минг балл
- OnePlus 7T (Snapdragon 855+) - 496 минг балл
- OnePlus 7T Pro (Snapdragon 855+) - 496 минг балл.

HMD GLOBAL

НОКИА ҚУВВАТИ БИР НЕЧА
ҲАФТАГА ЕТУВЧИ ИККИТА
АРЗОН ТЕЛЕФОН ЧИҚАРДИ

HMD Global компанияси Nokia бренди остида телефонларни қайта чиқаришни Nokia 150 моделидан бошлаган. Энди ишлаб чиқарувчи Nokia 125 русумли тугмачали телефони билан бирга шу қурилмасини янгиллаб қайта намоиш қилди.

Ҳар иккала телефон ҳам QVGA форматидagi 2,4 дюймлик дисплейга эга бўлиб, фақат GSM 900/1800 уяли алоқа тармоқларида ишлайди. Уларнинг асосий ўзига хослиги сифатида аккумуляторининг қуввати бир нечта ҳафтага етиши таъкидлаб кўрсатилмоқда.

РОБОТОТЕХНИКА

РОБОТ ИТ СИНГАПУРДА
ОДАМЛАР ОРАСИДАГИ
ОРАЛИҚ МАСОФАНИ
ТЕКШИРМОҚДА

Американинг Boston Dynamics компаниясига тегишли Spot лақабли робот ит Сингапурда одамлар бир-бирига нисбатан оралиқ масофага риоя қилаётганини 8 майдан бери текшириб келмоқда.

Коронавирус эпидемиясига қарамай, Сингапурда боғлар бўйлаб ёлғиз сайр қилиш ёки юрганичиқиш тақиқланмаган.

Spot боққа ташриф буюрувчилар учун олдиндан ёзиб қўйилган хабарни ўқийди: "Ўзингизнинг ва атрофдагилар хавфсизлиги учун, илтимос, бир метр нарироқда туринг".

Шунингдек, робот қўлларни ювиш кераклигини ҳам эслатади. Робот одамлар орасидаги масофани аниқлайди, шу билан бирга, камералари орқали боғдаги одамлар сонини кузата олади.

Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади.

ЯНГИЛИК

УКЛАШГА ХАЛАҚИТ БЕРМАЙДИГАН ВА КЎЗЛАРНИ
АСРОВЧИ НОЁБ "АҚЛЛИ" ЛАМПА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Xiaomi компанияси Midian Bedside Lamp номли лампасини тақдим этди. GizmoChina ёзишича, бу кўк рангли нурланиши нолга тенг дунёдаги биринчи тунги лампадир.

Midian Bedside Lamp ушбу лойиҳага ҳисса қўшувчилар учун 28 доллардан тақлиф этилмоқда, чакана савдодаги нархи эса 46 долларга тенг. Лампаларни етказиб бериш 2020 йил 14 июндан бошланиши режалаштирилган.


Кўк рангнинг нурланиши кам бўлган қурилмалар одатда кўзларга зарар етказмайди, шунингдек, мароқли уйқуни таъминлайдиган восита сифатида тақдим этилади. Ишлаб чиқарувчиларнинг таъкидлашича, бу лампа кўк рангни камайтувчи филтрга эга бошқа маҳсулотлардан кескин фарқ қилади, яъни аввалбошдан кўк рангни нурлантирмайди.

Midian Bedside Lampда ёруғлик манбаи сифатида сариқ ва қизил ёруғлик диодларидан фойдаланилади. Ёруғлик ҳарорати 1800 Кельвинга тенг. Таъкидланишича, лойиҳани яратишга Хитойдаги Наньчан университетини фанлар академияси ҳисса қўшган.

"Нол кўк" режимда қувват 2 ваттни ташкил этади, бироқ қўшимча 0,5 ваттли 12 та ёруғлик диоди ҳам мавжуд.

Midian Bedside Lamp "ақлли" қурилма бўлиб, MIUI иловаси орқали ишлай олади. Мобил иловача бир неча функциялар бўлиб, кунлик уйғотич, шунингдек, фон учун ёқимли мусиқа қўйиш мумкин. Бундан ташқари, у XiaoAI овозли ёрдамчисини қўллаб-қувватлайди.





РОССИЯ КОРОНАВИРУС ЭНГ КЎП ТАРҚАЛГАН МАМЛАКАТ

Россияда бир кеча-кундузда Covid-19 вирусини юктириш ҳолатлари 10899тага кўпайгани тасдиқланди. Ундан олдинги кун 11656та янги ҳолат аниқланган эди. Энди Россия касалланганларнинг сони кўплиги бўйича АҚШдан кейинги иккинчи ўринга чиқди. Охири суткада 107 бемор ҳаётдан кўз юмган.



агентликларга. У ўзининг ҳолати ва касалланиш даражаси бўйича аниқлик киритмаган. Песковнинг рафиқаси Татьяна Навкада ҳам вирус аниқланган.

Россияда Covid-19 эпидемияси бошланган вақтда, апрел ойи бошида Дмитрий Песковда маълум муддат давомида вирус блокторини тақиб юрган, ammo кўп ўтмай бу қурилма самарали эмаслиги маълум бўлганди. Журналистлар бу қурилма ҳақида сўрашганида, Песков у вирусдан қанчалик ҳимоя қила олишини билмаслигини айтганди. "Бу восита вирусдан ҳимояланишга ёрдам бериш-бермаслигини билмайман. Мен уни дорихонадан сотиб олдим. Биласизми, ҳозир кўпчилик профилактика нуқтани назаридан турли воситалардан фойдаланмоқда. Тўғриси, бунинг қандайдир фойдаси борлигига ишонмайман. Кўплаб экспертлар бу зарар келтириши мумкинлиги ҳақида таъкидлаганини ҳам ўқиганман", деганди Путиннинг матбуот котиби.

РИА "Новости" манбасининг аниқлашича, Песков сўнги мартта 30 апрел кунини Путин иштирокидаги йиғилиш вақтида кўриниш берганди – ўша кунини бош вазир Михаил Мишустинга коронавирусдан зарарланиш тахиси кўйилганди. ТАСС манбаси хабар беришича, Песков Путин билан юзма-юз учрашмаганига бир ой вақт бўлган.

Президент Владимир Путин апрел ойидан буён Москва яқинидаги Ново-Огарева қароргоҳида изоляция тартибида яшамоқда. У ташқарига фақат 9 май кунини Иккинчи жаҳон уруши қурбонларини хотирлаш учун чиқди.

Тезкор штаб ахборотига кўра, охири суткада Россиянинг 83 минтақасида Covid-19 инфекцияси юққаннинг 10899 ҳолати тасдиқланган, шундан 5392таси пойтахт Москва шаҳрида. Бу билан Россиядаги қайд этилган коронавирус ҳолатларининг сони 232243тага етган ва Испанияни орта қолдирган. Россияда бир кунда энг кўп тасдиқланган ҳолат 11656тани ташкил этган (Жонс Хопкинс Университети маълумотларига кўра, Испанияда тасдиқланган ҳолатлар 227400та, АҚШда эса 1 миллион 347900та).

Бир суткада коронавирус билан боғлиқ бегобликдан 107 инсон (55 нафари Москвада) ҳаётдан кўз юмган. Шу вақтгача коронавирус Россияда 1300га яқин инсон умрига зомин бўлди. Инфекциядан соғайганларнинг сони 19642 киши экани хабар қилинган. Москва шаҳридаги жами коронавирус ҳолатларининг сони 121301тани ташкил этган.

Президент Владимир Путин 12 майдан бутун мамлакат бўйлаб эълон қилинган ялпи ишсиз кунларни бекор қилди. Бошқа чекловлар сақлаб қолин-

ди. Пойтахт Москвада саноат корхоналари ва қурилишлар фаолиятини қайта бошлашга рухсат берилди, ammo озиқ-овқат дўконларидан бошқа барча савдо нуқталари ва маиший хизматлар ёпиқлигича қолмоқда.

Президент Путин айтишича, ҳукумат янги қарорлар мажмуасини тайёрлаган. Болалар нафақасининг бир қисми тўлаб берилиши, ходимларини ишдан бўшатмаган бизнес субъектларининг айрим солиқлари ва кредит бўйича қарзларидан воз кечилиши ваъдаси берилди.

Москва ва Москва вилоятида 12 майдан юз ниқобини тақиб юриш мажбурий қилинди. Москва шаҳар маъмурияти билдиришича, бундай тартиб жорий этилиши сабаби саноат корхоналари фаолиятининг қайта тикланиши

ва коронавирусни юктириш хавфи юзга келишидадир.

Дмитрий Песковда ҳам коронавирус аниқланди

Россия президенти матбуот котиби Дмитрий Песковда коронавирус аниқлангани 12 май кунини маълум бўлди.

Кремлдаги вирусга чалинганлар ҳақида хабар бериб турган Песков ўзининг вирус юктиргани ҳақида ҳам ўзи хабар берди. Олдинроқ Россия бош вазир Михаил Мишустинда, шунингдек, маданият вазири Ольга Любимова ва таълим вазири Валерий Фалковда ҳам коронавирус аниқланганди. "Ҳа, мен касалландим. Даволаняпман", дея хабар берган Дмитрий Песковнинг ўзи

Ҳинд ва хитойлик аскарлар муштлашди

Ҳиндистон матбуотидаги хабарларга кўра, Ҳиндистон-Хитой чегарасида икки давлатнинг ўнлаб чегарачи аскарлари муштлашганлар. Сикким штатидаги Нау Ку чегара нуқтасида юз берган ҳодисада етти нафар хитой аскарлари ва тўрт нафар Ҳинд аскарлари жароҳат олишган. Юз берган можарони маҳаллий кўмондонлар ҳал қилишгани айтилади.



Икки давлат ўртасидаги 3,400 километрлик чегара бўйича икки томоннинг ҳам ечилмаган даъволари бор. Бот-бот юз бериб турадиган зиддият ҳолларида аскарлар бир-бирини кўкрагидан итариши ва ёқалашини кузатишган. Икки давлат ўртасида 1962 йилда чегара устидан уруш келиб чиққанди. 2017 йилда Хитой баҳсларга сабаб бўлиб келаётган тепалиқда ўз чегара чизигини кенгайтиштиришга уринганида ҳам тўқнашув юз берган.

Иккала давлат патруллари ўртасида тез-тез жисмоний зиддиятлар бўлиб турса-да, охириги қирқ йил ичида чегара оша бирон марта ўқ узилмаган.

Еврокенгаш раҳбари: чегараларни тезроқ очинг

Евроиттифоққа аъзо давлатлар ўз чегараларини иложи борича тезроқ очиши керак. Бу ҳақда Еврокенгаш раҳбари Шарл Мишел Европарламентнинг пленар йиғилишида айтди. "Зарур эҳтиёт чоралари-

ни кўрган ҳолда Европа чегараларини имкон борича тезроқ очиш керак", – деди у.

Мишел чегараларни очиш иқтисодиёт ва туризм учун зарур эканлигини таъкидлади. "Аъзо давлатлар Еврокомиссия тақдим этган таклифлар устида ҳамкорликда ишлаши ҳамда иқтисодиётимиз ва туризм учун зарур бўлган очилиш йўналишида олға ҳаракатланиши керак", – деб қўшиб қўйди у.

Авалроқ Еврокомиссия Шенген ҳудуди мамлакатларига ЕИга учинчи давлатлардан киришга қўйилган тақиқни яна 30 кунга, 15 июнгача узайтиришни тавсия қилганди



Саудия Арабистони учун жанговар ракеталар

АҚШнинг Boeing корпорацияси Саудия Арабистонига мингтадан кўпроқ жанговар ракета етказиб беради. Ракеталарни етказиб беришга тузилган шартномалар қиймати 2,5 млрд. доллардан ошади. Бу ҳақда Пентагон ўз хабарига маълум қилди.

Жумладан, АҚШ компанияси Саудия Арабистонига 650та SLAM-ER (Stand-off Land Attack Missile - Expanded Response) қанотли ракетаси ва Block II модификациясидаги 42та Harpoon кемаларга қарши ракеталарини етказиб беради. Шу мақсадда Boeing Ар-Риёд билан SLAM ERни модификация қилиш ишларини ўтказиш ва 650та янги ракета етказиш учун 1,971 млрд. долларлик шартнома имзолаган. Таъкидланишича, шартнома 2028 йил декабригача бажарилади. Маълум қилинишича, SLAM ER ракетасининг учуш узюқлиги 270 км.ни ташкил қилади.

Шунингдек, Harpoon Block II ракеталарининг етказилиши Ар-Риёдга 656,98 млн. долларга тушади. Бу турдаги ракеталар Саудия Арабистонидан ташқари, Бразилияга (4 дона), Таиландга (8 дона) ва Қатарга (53 дона) етказилади. Ушбу ракетанинг учуш узюқлиги 125 км.га яқинни ташкил қилади.

90 ёшли геймер-буви Гиннесснинг рекордлар китобида

Гиннесснинг рекордлар китоби экспертлари япониялик 90 ёшли Хамако Морини дунёдаги энг кекса геймер сифатида расман тан олди.

Рекордчи буви 39 йил олдин, тахминан 1981 йилда ўйин ўйнашни бошлаган. У жойстикка ёпишиб қолган болаларни кўрганда бунга қизиқиб қолганди. Рекордчи дарров тажрибали геймер бўлиб қолгани йўқ. Бошида Хамако Мори нуқул ютқазиб қўярди. Лекин вақт ўтиши билан қандай юриш кераклиги ва манёврларни ўзлаштириб олди. Ҳозир ўзининг Gamer grandpa YouTube-каналда ўйинлардаги миссиялардан ўтиш ва душманларни йўқ қилишни ўргатади. Унга 187 мингта фойдаланувчи обуна бўлган. Улар бувининг дарслари остида кўплаб ижобий шарҳлар қолдиришади.

Шу ёшига қарамай истараси иссиққина Хамако Мори Call of duty: Modern warfare каби қонли отишма ёки GTA 5 сингари дахшатли пойгаларни ўйнашни ёқтиради. "Бу ўйинларга шўнғинганимда чиқолмай қоламан. Жуда қизиқарли. Мен чиндан ҳам ҳаётимдан завқ оляпман — ўзимни жуда яхши ҳис қиляпман", – дея ички кечинмаларини тушунтиришга ҳаракат қилади геймер-буви. Хамако Мори кунига етти-саккиз соатлаб ўйин ўйнашини, лекин буни беҳуда вақт сарфлаш деб ҳисобламаслигини тан олди.

КУЗ ЁМҒИРИ

Биби Робия САИДОВА



(Ҳикоя)

ётган ҳаётнинг уйғонишини кутиб, кўзини китобга тикди.

Шамол оёғи куйган товукдек у ёқдан бу ёққа югурарди. Кун пешинга яқинлашган. Саҳарда кўп гап борлигини пешма-пеш сотилаётган моллари тасдиқлаб турарди. Мана, ҳозир ҳам дўконнинг ичида иккита харидор бор. Сотувчи улар билан андармон бўлаётган бир вақтда баҳайбат қора машина савлатига яраша овоз билан "ғийқ" этиб дўкон олдида тўхтади. Машинанинг орқа эшигидан ўзгача услубда тикилган мактаб формаси кийган ўн тўрт-ўн беш ёшлар чамасидаги қизалоқ ва олд эшикдан бошидаги кепкасини тўғрилаганча башанг кийинган бир киши тушди. Аёл уларни дўкон ичига кириб келгувларига қадар кузатиб турди ва шунча дабдабага ярашмаган ҳиссиётларига қараб, уларнинг суратини чизган "рассом"га истара, қувонч ранглари етмай қолганга таажужланди. Гўёки бундай одамларнинг юзига сув селиб ўзига келтириш керакдек туюларди. Дўконга кириб ота хали танланмаган туфли учун орқа чўнтагидан занжирбанд этилган қўллардек турган, аслида эса ўзини ҳам қўл қилишга қодир бўлган пуллари кўлига олди. Қизча кутилганидай юқориги қаторда, алоҳида маъке эгаллаган пойабзалларга кўз югуртирди-ю, ҳам нархи, ҳам пошнани бошқаларига қараганда бир қарич баян бўлган туфлини бармоқ учлари билан кўрсатиб:

- Ана шунисининг ўттиз еттинчисини беринг, - деди.

Сотувчи талабини бажаришдан олдин беихтиёр қизнинг оёқларига назар ташлади. Оёғидаги бежиримгина феруза тошли туфлиси қўлидаги сумкасининг ранги билан бир хил эди. Қиз танлаганини кийиб кўрар экан, юзидан қисқа табассум югуриб ўтиб кетди:

- Буни кеча олиб берган маржонингиз билан ҳам кийсам бўларкан. О, мана бунисини ҳам оламан. Уйимиз ёнидаги дўканд шунга мос шарф ҳам кўргандим. Ота пойабзалларнинг нархини сўраб, сотувчига пул тутқазди.

Қора булут, ниҳоят, ичидаги дардларини ёрди. Ёмғир шаррос қўйиб юборди. Ана, яна сотувчига таниш бўлган мактаб кўнғирогги жаранглади. Бугун даромад нисбатан мўл бўлганини ўйлаб ўтирар экан, эшикдан таниш икки қиёфа кўринди. Боласини кўлидан ушлаганча ўша аёл кириб келди ва пешонасидан сизиб оқатган томчиларни артаркан, остонадан бир қадам ўтиб тўхтади. Сотувчи дарҳол уларни таниб, хушмуомала-

Ёмғир шивалаб турган чоғида қирқ-қирқ беш ёшлардаги қотмадан келган бир аёл етти-саккиз ёшлардаги ўғлини етаклаганча ўтиб бораётиб, дўкон ёнига келганда чақин ургандек бирдан тўхтади. Ниғоҳини дўкон ичига йўллади. Сўнг яна кўзларини ерга тикканча бир-икки қадам ташлади. Яна тўхтади. Гўёки кимдир уни гоҳ олдинга, гоҳ орқага тортқиларди. Ахийри, дўкон эшигига яқинлашди. Болакай эса бундай антиқа жойга келиб қолганига қувониб, онасининг кўлидан юлқинишга уринарди. Аёл кузги пойабзалларни ўзгача бир ҳавас билан кўздан кечира бошлади: мана ялтироқ чармиллиги, ён тасмачаларига рангли тошлар ёпиштирилгани, пошниси баланди, учи қўш тумшугидай чўзилгани-ю гул шаклидаги мато билан безатилгани. У ўзини музейдаги қимматбаҳо ашёларни томоша қилаётгандек тутарди. Дўкон бурчагидаги охириги сафларда турган туфлининг ёнига келганда эса таққа тўхтади ва бир муддат тикилиб қолди. Уттан йилги мавсумдан бери савдоси юришмай келаётганиданми, ҳеч қандай безаксиз, оддийгина бу туфлининг нархи арзонроқ эди. Аёл беихтиёр қўлини узатди, аммо нимадандир истиҳола қилдимми, дарҳол тортиб олди ва сўради:

- Бу... қанча туради?

Савонини берди-ю бутун вужуди қулқоққа айланди. Сотувчи айтган баҳо жуда арзон эди. Аммо нархи эшитган аёл беҳосдан кафлари орасидаги жажжигина қўлни қаттиқ қисиб юборди. Унинг сониялар ичида ўтган бутун изтироблари ана шу тарзда ифодаланган эди. Уғли кутилмаган оғриқдан чинқириб юборди. Она дарҳол жажжи бармоқчаларни силади ва сотувчига хижолатомуз табассум қилганча дўкондан чиқиб кетди. Ана шу дақиқаларда аёلнинг урингангина кўйлагига ва оёғидаги пойабзалнинг едирилиб кетганига кўзи тушиб қолган сотувчининг кўнгли алланечук бўлиб кетди.

Бугун савдо филдирагини айлантиришга вақтининг ҳам қурби етмади. Кичкина қизи шомолаган, дўконни эртароқ ёпиб уйга жўнаш керак. Шундай ҳам қилди.

"Саҳар турсанг, ризқ-насибанг мўл бўлади, ишларинг юришади". Бу гапни онасидан кўп эшитган эди. Шунинг учун эртаси куни дўконини одатдагидан жуда эрта очди. Сўнгра қора булутлар кузатуви остида дўкони олдига сув селиб супурди. Хонага бостириб кирган ернинг нам ҳиди рухнин аллақайларга чорлагандек бўлди. Қишлоғидаги таниш манзаралар кўз олди-дан ўта бошлади. Сотувчи тўйиб-тўйиб, чукур-чукур нафас олди-да, кўчада мудра-

Аёл юзидан қотиб қолган ним табассум билан ўғлини етаклаганча қил кўприқдан ўтаётгандек эҳтиёткорлик билан юриб бурчакка борди ва ўша илғари кўриб кетган туфлисига бир муддат тикилиб турди. Уғли эса, кўчада булут тўққан ёшлар ёқинқирамаган, шекилли, жимгина турар, хархаша қилмасди.

Қалтис ҳазил

Лени ҳар куни оқ танлиларнинг уйини йиғштириб, кийимларини ювиш учун уйдан бу уйга қатнарди. Оқсоч қош қорайгунга қадар тимим билмасди. Лени бу тўладан келган қора танли аёл. Уни бесўнақай гавдаси учун ҳам "баҳайбат Лени" деб аташарди. Тўғри, бундай аёлларга уй юмушларини бажариш биров қийинчилик туғдирар, бироқ у яхши аяш учун тимимсиз меҳнат кераклигини биларди.

Бу бахтиқаро аёлнинг эри оламдан ўтган. Тўнғич қизи Эрлиндан бўлак ҳамма боласини тупроққа топширган эди. Лени қизини жонидан ортиқ кўрар ва ҳар ҳафта совғалар билан сийларди. Чиройли ўйинчоқлар кейинчалик нафис кўйлақларга алмашди. Ниҳоят Эрлин воёга етиб,

турмушга чиқадиغان вақт етди.... Бир куни куёви уйга келиб, Ленига Эрлиннинг кўзи ёриганини айтди. Чақалоқ ўғил бола эди. Улар янги меҳмонга Раймонд деб исм қўйдилар. Боланинг катта-катта кўзлари бувисиники каби чиройли бўлса-да, бу ёруғ дунёни кўрмасди. У сўқир эди... Минг афсуски, эртасига Эрлин ҳам вафот этди.

Бечора Лени Раймонд билан ёлғиз қолди. Ўзи емай едириб, ўзи ичмай ичириб, неварасига шамолни ҳам раво кўрмай ўстирди. Хуллас, Раймонд улаб кўйиб қолди. У бувисига эшикни очиб берар, унинг ҳолдан тойган оёқларига пойабзалини кийдириб кўярди. Хаттоки, у Ленини ишга жўнатиб ўзи гилам тўқир эди. Лени уларни оқ танлиларга сотишини

Дороти ПАРКЕР, Америка адибаси.

айтганда, Раймонднинг оғзи қулоғига етди. Бироқ Лени ярим тунда гиламни бўлакларга ажратар, Раймонд эса кундузи бўлакларни тагин бирлаштиради.

Уларниқига қўшнилар тез-тез чиқиб туришарди. Ҳар хил кулгили воқеалардан сўзлаб бериб, Раймонднинг кўнглини олишарди. Уларнинг ҳазили болага мўйдай ёқар эди. Раймонд Ленисиз кўчага чиқадиغان бўлди. Деворларга, тўсиқларга суняиб, ҳасса ёрдамида йўл топиб юрарди.

Қиш келди. Бу қиш қора танлилар учун жуда оғир келди. Бир ҳабаш аллақандай қилмиши учун оқ танлилар ҳамма қора танлиларга иш бермай қўйди. Кўчага учраган ҳабашни уриб таҳқирлай бошладилар. Лени ва Раймонднинг ҳоли кундан-кунга оғирлашиб борарди. Бечора буви ҳеч қачон қилмаган ишини қилди. Раймонднинг овқати, кийими учун оқ

танлиларга иш беришини сўраб ялина бошлади. Ниҳоят бир хоним қаттиқроқ ишласа, эрининг эски кийимларини беришини айтди.

Баҳор келди... Раймонднинг қалб куёши чарақлаб кетди гўё. У яна кўчага чиқа бошлади. Кўшнилари билан кулишди. Раймонд ҳаётни қўйлади. Уларни кулгиси ёқарди. Бир куни қандайдир қулган овозни эшитиб қолди. Бу ғалати кулги эди, ҳеч ҳам дўстлариникига ўхшамас эди. Кимдир уни итариб юборди. Яна ва Яна... У қочмоқчи бўлди, бироқ қаерга?... У югураётган йиқилиб тушди. Турмоқчи ҳам эдики, яна биров беаёв туширди. Раймонд йиғлаб қонга беланиб, чангда ва қоронғилиқда ётарди. Атрофида ҳеч ким йўқ эди, фақат қалтис ҳазил, аянчили мазох бор эди.

Инглиз тилидан
Хуриниса ОСТОНОВА таржимаси

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Болангиз тирноқларини кемирса

Мутахассисдан бундай ёмон одатдан қутилишга ёрдам берувчи маслаҳатлар

Бу одатдан азият чекаётган болалар кўплаб жиддий касалликларни юқтириб олиш хавфи остида, дейишмоқда мутахассислар.

Боланинг ўз тирноқларини кемириши – энг ёқимсиз ва зарарли одатлардан бири ҳисобланади. Бу кўплаб юқумли ва паразитар касалликларга сабаб бўлади, тишларни юмшатиб, эмал ҳолатини ёмонлаштиради ҳамда бармоқлар кўринишига зарар келтиради.

Шу билан бирга, тирноқларни чайнашга стресслар, ўзига етарли баҳо беролмаслик, ташвишлар, тажовуз, қўқув, оиладаги жанжаллар, витамин етишмаслиги ва ҳатто жисмоний қониқиш олиш сабаб бўлиши мумкинлигини англаш муҳим аҳамиятга эга.

Шунинг учун, агар фарзандингиз тирноқларини чайнаса, жиддий ўйлашингиз керак: бу хатти-ҳаракатнинг сабаби нимада?



Тирноқларни тишлаш одати, айниқса, мактабда фаоллашади. Чунки бу ерда болалар ташвишланиш ёки оддий зерокиш каби асосий омилларга дуч келади. Шу билан бирга, мактаб касалликлар осонгина тарқалиши мумкин бўлган энг хавфли жойлардан бири, айниқса, анча жиддий касалликлар юқиши хавфи мавжуд ҳозирги кунда.

Хўш, болани бу одатдан қутқариш учун нима қилиш керак? Дорихоналарда сотиладиган махсус тирноқ бўёғидан фойдаланинг.

Шифокорлар бу усулни икки ёшдан бошлаб қўллашни тавсия этишади. Махсулот гипоаллерген бўлиб, боланинг ошқозони билан боғлиқ муаммоларга олиб келмайди, аммо у жуда ёқимсиз ҳидга эга ва бу болани таъсирлантириши мумкин.

Ўғил болалар учун рангсиз бўёқлар бўлади ва у мутлақо табиий кўринади. Қизалоқлар тирноқчаларига эса ёрқин бўёқлардан фойдаланинг, чунки турли рангларда жололанган ранглар уларнинг қизиқишини оширади.

Аънавий усуллардан фойдаланинг.

Улар унчалик ҳам самарали эмас, лекин ҳамон эътиборга молик. Сиз боланинг бармоқларини хантал, лимон ёки саримсоқ шарбати билан бўяшингиз мумкин. Лекин улар бармоқлари билан кўзларини ишқалаш хавфи борлигини ва бу янги муаммоларни келтириб чиқаришини ёдда тутинг. Бундан ташқари, кўлларни шувоқ дамламаси билан ювишингиз мумкин, бундан бармоқлар аччиқ, ёқимсиз таъмга эга бўлади.

Ҳар қандай усулдан ҳам фойдаланишдан олдин мутахассис билан маслаҳатлашинг.

У.Йўлдошев тайёрлади



ПАРҲЕЗ

БАРЧА ДАВОНИНГ БОШИ

“Ошқозон – касалликларнинг уйдир, парҳез эса барча давонинг бошидир”, – деган эди араб табибларидан бири Хорис ибн Колда. Луқмони Ҳаким эса “Эй фарзанд қорнингни босиб-тикиб тўйдирсанг, фикр хазиналаринг қурийдир, тафаккур қилолмайдиган аҳволга тушсан, сендан ҳикмат деган неъмат кетади, аъзоларинг ибодат қилишдан қолади”, – дея таъкидлаган.

Бизнинг организмимизга таом, сув билан бирга ташқаридан токсинлар ва микроблар ҳам тушади. Ёғ, оксил ва углеводлар билан биргаликда сингади, йиғилиб боради. Аслида ҳамма нарсанинг меъёри бор, аммо кўпчилик бунга амал қилмайди. Тиббий таҳлилларнинг кўрсатишича, инсонга бир кунда 250-500 грамм овқат етарлидир. Бундан ортиги баданда қолдиқ пайдо қилади ва касалликларни вужудга келтиради. Бу ҳолатда вужуд хасталикка қаршилик кўрсата олмайди. Чунки доимо ҳазм билан курашиш, ортиқча ва токсин моддаларни чиқариш, чиқмаганларини ажратиш, сақлаб қўйиш жуда оғир ишдир.

Бундай ҳолатда рўза энг яхши ёрдамчидир. Инсон рўза тутганда, яъни оч қолганда, унинг вужуд ҳазм қилиш жараёнидан озод бўлади ва ўзини тозалашга киришади.

Бу оғир ишни амалга оширишда кўп қувват сарфланади. Вужуд бу қувватни топа билиш учун аввал захирадаги гликоген ва ёғларни ишлата бошлайди. Натижада, очликнинг илк 3-4 кунда инсон ҳар кун 1-1,5 кг. вазн ташлайди.

Уч-тўрт кундан кейин тозаланган қон томирлар деворлариданги холестерин, токсин ва туз қатламни эритиб, организмдан чиқара бошлайди. Очликнинг 5-7-кун таъсир ҳужай-

раларга инади, функцияси ўзгарган ҳужайраларни тозалайди. Тозаланиши мумкин бўлмаган ҳужайраларни парчалаб, уларни ўзига озуқа қилади, яъни хасталикларни тубдан йўқ қила бошлайди.

Тузларни ва захирадаги ортиқча моддаларни эритиб, уларни қисман қўллаиди, қисман ташқарига отади.

Бу жараёнда вазн йўқотиш камаяди, кунига 500-700 граммга тушади.

Еттинчи кундан эътиборан вазн йўқотиш кунига 300-360 граммга, 21 кундан сўнг эса 120-150 граммга тушади.

Яъни, организмда зарарли бўлган ортиқча нарсалардан ўзига хос тозаланиш рўй беради, инсон ҳам маънан, ҳам руҳан энгилликни ҳис этади.

Араб хурмосининг фойдаси

Рамазон ойида ҳам ифторлик, ҳам сахарликда истеъмол қилиш тавсия этилган фойдали неъматлардан бири араб хурмосидир.

Араб хурмоси минерал ва витаминларга бойдир. Унинг таркибидаги 23та аминокислота бошқа меваларда учрамайди. Араб хурмосини доимий равишда, кунига камида 3-4 дона еб турилса, кўп касалликларга шифо ҳисобланаркан.

Илк бор Месопотамияда бўй чўзган бу палма дарахти мевалари шифобахш ва йириклиги кўра фойдали ҳисобланган.

Араб хурмосининг инсон организми учун фойдалари қандай? У инсоннинг мия фаолиятини яхшилашдан ташқари яна бир қатор ижобий таъсири бор:



- юрак, бўйрак ва жигарга куч беради;
- организмнинг кислота балансига ижобий таъсир кўрсатади;
- камқонликка фойдали;
- иммунитетни оширади;
- ичак микрофлорасини яхшилайди;
- ўпка фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади;
- йўтал пайти балғамни чиқаришга ёрдам беради;
- чарчоқ, узоқ вақт давом этган касалликдан сўнг организмга куч-қувват беради;
- саратон касалликлари ривожланиш хавфини пайсатириши билан ҳам аҳамиятли.

Хурмонинг бир қанча турлари бўлиб, уларнинг барчаси ана шундай шифобахш хусусиятга эга.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шухрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ,
Коммуна ИРИСБЕКОВА, Тўлқин ТЕШАБОВЕ,
Лутфилло ТУРСУНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтаининг жума кунини чиқади

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-557 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Алади: 4313 нуска.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 23.00. Босишга топширилиши вақти — 24.00.

Вилоят муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80 Бухорода (99)854-7305 Жиззахда (94) 199-95-64 Наманганда (91) 353-71-25 Навоийда 225-91-10 Нукусда 554-35-45 Самарқандда (91)557-84-44 Термизда (91)235-88-68 Тошкентда 234-18-59 Урганча (97) 211-65-05 Фарғонада 244-18-05 Қаршида (93)931-08-99